



# VATANDOSH

Vatandin yaxshi yor bo'lmas!

www.vatandosh.com The First Uzbek Newspaper in the U.S. | AQShdagi birinchi uzbekcha gazeta | 2012 йил 20 ноябрь, № 9 (20) Нархи: \$0.25

**Оқ уйнинг  
Баракали  
Обамаси**

**2-бет**



**Ўзбекистон тараққиёт кўрсаткичлари бўйича  
Россияни ортда қолдирди**



**Ўғрини  
тўфон урди**  
**6-бет**



Жўрақори  
БЎТАКЎЗ:

**Ватандин яхши  
ёр бўлмас...** **10-бет**



**Нью-Йоркнинг  
энг дақшатли  
узоқ туни**

**9-бет**

**4-бет**



**UZBEKISTAN**  
*airways*

**Нью-Йорк - Ташкент - Нью-Йорк  
ПРЯМОЙ! УДОБНЫЙ! РОДНОЙ!**

по низким ценам осенне-зимнего сезона

Только на нашем рейсе для Вас:  
Два места багажа по 32 кг. на каждого пассажира  
старше двух лет **БЕСПЛАТНО !!!**

400 Kelby street 16th floor  
Fort Lee, NJ 07024  
TEL: 1 - 201 - 944 - 4474  
FAX: 1 - 201 - 944 - 4407  
EMAIL: [uzbekair@aol.com](mailto:uzbekair@aol.com)

Газетага сайтимиз орқали обуна давом этмоқда: [www.vatandosh.com/obuna](http://www.vatandosh.com/obuna)

Vol. 9 (20), Tuesday,  
November 20, 2012

Publisher:

**Farhod Sulton**  
farhod@vatandosh.com

Deputy Editors:

**Murod G'afurov**

**Mavlon Shukurzoda**

shukurzoda@vatandosh.com

Managing Editors:

**Jora Bo'takoz**  
**Lutfulla To'ra**  
**Narkhudja Sadikov**  
**Abdulvohid Sabri**  
**Abdurahim Khamidov**  
**Abdurahmon Mamadjanov**  
**Ubaydulla Noorota**  
**Hikmat Sulton**  
**Tamara Nazarova**

Web Developers:

**Shohruh Kenjaev**

Partner organization:

**Uzbek Association of  
Commons**

**Editorial and Executive  
office:**

2705 Coney Island Ave.

Brooklyn, NY, 11235

Phone: 646.397.0325

Web: www.vatandosh.com

Email: info@vatandosh.com

*All materials in this  
newspaper have been  
copyrighted and are the  
exclusive property of  
Vatandosh, Inc, and cannot  
be reproduced without the  
due consent of the publisher.*

*The views and opinions  
expressed by our columnists  
do not necessarily reflect the  
editors' point of view.*

*We are not responsible for  
contents of advertisements  
and products and  
establishments advertised in  
Vatandosh.*

**"ВАТАНДОШ"ГА  
ОБУНА БЎЛИНГ:**

Газетамизга обуна  
бўлинг. "Ватандош"  
хар ой хонадонингиз  
меҳмони бўлсин.

www.vatandosh.com/obuna

## Ислон Каримов АҚШ халқига хамдардлик билдирди

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов АҚШ нинг шарқий штатларида катта табиий офат рўй бергани ҳамда кўплаб инсонлар ҳалок бўлиб, вайронагарчиликлар юзага келгани муносабати билан Америка Қўшма Штатлари Президенти Барак Обамага ҳамдардлик мактуби йўллади.**

Бу ҳақда Ўзбекистон Президентининг матбуот хизмати хабар беради.

Эслатиб ўтамиз, Сэнди довули оқибатида фақат АҚШнинг ўзида 100 га яқин киши нобуд бўлган. Табиий офат келтирган зарар бир неча ўн миллиард долларни ташкил этган. Нью-Йоркда миллионлаб киши



электр энергиясиз қолмоқда. Мамлакат президенти Барак Обама ҳукумат Сэн-

ди довулидан зарар кўрган фуқароларга вақтинчалик уй-жой ва озиқ-овқат учун

барча харажатларни қоплашга тайёрлигини билдирган.

**Барак Обама 270 нафардан ортиқ танловчилар овозини йиға олиши аниқ бўлгач, твиттердаги саҳифасида "Яна тўрт йил... Бу сиз туфайли юз берди. Раҳмат!", дея сўз қолдирди. Шунинг алоҳида қайд этиш керакки, Барак Обаманинг мазкур жумласи ва турмуш ўртоғи Мишель Обамани қучоқлаб тушган сурати 22 минут ичида дунё миқёсида ретвит (қайта чоп этиш) қилиш бўйича твиттерда янги жаҳон рекордини ўрнатди.**

## Оқ уйнинг Баракали Обамаси

АҚШ президентлигида номзод Митт Ромни Обамани телефон орқали табриклаб, мағлуб бўлганини тан олди. Чикагода ўз тарафдорлари олдида чиқиш қилган Обама Митт Ромни билан суҳбатлашишга ваъда бериб, Америкага янги куч бағишлашда иккаласи бирга ишлашлари мумкинлигини қайд этди. У, ўз навбатида, Оқ уйга катта ишонч ва янгича руҳ билан қайтаётганини маълум қилди.

У, шунингдек, Конгрессда республикачилар етакчилари билан давлат бюджети тақчиллигини камайтириш, солиқ ҳамда иммиграция тизими қонунчилигини такомиллаштиришга тайёрлигини билдирди.

Айни чоғда Бостонда ўз тарафдорлари олдида чиқиш қилган Митт Ромни галаба йўлида барча ишни қилганини маълум қилди. "Сайловлар тугади, аммо бизнинг гоёла-

римиз қолди", деди у жумладан.

АҚШ конституциясига кўра, президентни махсус танловчилар ҳайъати сайлайди. Шу боис сайловчилар танловчиларни танлайди ва уларнинг сони ҳар бир штат аҳолиси сонига қараб белгиланади.

Сайловларда Обама 332 та, Ромни 206 та танловчи овозини тўплай олди. Танловчилар ҳайъати шу йилнинг 17 декабрида президентни сайлайди.

Шунинг алоҳида қайд этиш керакки, Обама одатта кўра, нафақат демократларга овоз берадиган штатларда галаба қозона олди, балки Колорадо, Айова, Пенсильвания, Мичиган, Миннесота, Висконсин сингари "на у тараф, на бу тараф" штатларда ҳам муваффақиятга эришди.

АҚШда президент сайловлари билан бир қаторда, 11 та губернаторлик, Сенатнинг учдан бир қисмига, шунингдек, Вакил-



лар палатасининг барча 435 нафар вакили сайлови ҳам бўлиб ўтди. Натижага кўра, республикачилар Вакиллар палатасида назоратни ўз қўлларида сақлаб қолади, Сенатда эса демократлар мутлоқ кўпчилик бўлиб қолишади. Бу президент ва конгресменлар ўртасидаги даҳанаки жанглар ҳали давом этади, дегани.

ББСнинг ёзишича, Обама муваффақиятининг асосий омили демократларнинг сайловларда жуда фаол иштирок этганидир. Айниқса, қора танли ва испан тилида сўзлашувчи сайловчилар жуда фаоллик кўрсатишган.

➔ **Мавзу ҳақида батафсил 7-саҳифада...**

Ўзбекистон аҳолиси сони 2012 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра 29,875 миллион кишига етган. Йил бошидан бери аҳоли сони 319,2 минг кишига ёки 1,1 фоизга кўпайган.

## Ўзбекистон аҳолиси ўттиз миллионга етай деб қолди



Шаҳар нуфуси 15,269 миллион кишига тенг бўлса, қишлоқ аҳолиси сони 14,605 миллион кишини ташкил этмоқда. Яъни мамлакат аҳолисининг 51,1 фоизи

шаҳарларда, 48,9 фоизи қишлоқларда истиқомат қилмоқда.

2012 йилнинг январь-сентябрь ойларида туғилиш даражаси 20,4 промиллени

ташкил этган. Бу ўтган йилнинг худди шу давридаги кўрсаткич (20,6 промилле)дан 0,2 фоизга кам. Айни вақтда, 2012 йилнинг дастлабки тўққиз ойи давомида ўлим даражаси 4,7 фоизга тенг бўлган, бу ўтган йилнинг худди шу давридаги кўрсаткичдан (4,6 промилле) 0,1 фоизга кўпроқ, демак.

2012 йилнинг январь-сентябрь ойлари оралиғида ФХДЁ органлари томонидан 189,3 минг никоҳ ва 13,9 мингта ажралишлар қайд этилган. Никоҳлар сони ўтган йилнинг худди шу давридаги кўрсаткичдан 0,1 фоизга кам бўлса, ажралишлар даражасида ўзгариш сезилмаган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2012 йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида Ўзбекистонга 127,9 минг киши келган, 157,8 минг киши мамлакатни тарк этган. Ўз навбатида, миграция сальдоси манфий кўрсаткич 29,9 минг кишини ташкил этган. Ўтган йилнинг худди шу даврида мамлакатни тарк этганлар сони Ўзбекистонга келганлар сонидан 40,8 мингтага кўп эди.



## 500 дан ортиқ конлар инвесторларга тақдим қилинмоқда

Улар орасида 4 та таркибиди металл мавжуд бўлган фойдали қазилма кони, 26 та тоғ-маъдан хомашёси кони, 10 та тоғ-кимё кони, 28 та ярқирама тош кони, 260 та қурилиш материаллари кони бор. Жами инвестицияга тавсия қилинган майдонлар сони эса 38 тани ташкил этди. Шунингдек, 159 та йирик инвестиция блоқи геология-қидирув ишларини йўлга қўйиш учун тақдим этилди.

Тавсия қилинган мазкур объектлар ичида ярқирама тош хомашёси конлари, фосфоритлар, тоғ кимё ва тоғ маъдан уюмлари алоҳида ажралиб туради. Манзарали мармар ва бошқа қопламбоп тошларни қазиб олишнинг истиқболлари жуда юқори, деб баҳоланмоқда. Ушбу объектларнинг барчаси ички ва ташқи бозорларда катта эҳтиёжга эга бўлган хомашёлар турларини ишлаб чиқариш, шунингдек, маҳаллийлаштириш дастурини бажариш учун хомашё неғизи сифатида қабул қилинган.

Ҳозирги кунда республикада 1000 дан ортиқ конлар, шахталар, карьерлар, нефть-газ конлари, сув олиш иншоотлари, бальнеологик шифохоналар, шифобахш ва шифобахш-ичимлик сувларини қўйиш цехлари ва заводлари фаолият юритмоқда.

Инвестиция киритишга янги йўналиш - геотуризм хизмати илк бора тавсия этилмоқда. Геологик объектлар, геотуризмни ривожлантиришга мўлжалланган геологик объектлар, қўриқланадиган ҳудудларнинг геологик боғларини ҳам ўз ичига олган ҳолда билим бериш ва илм олиш тизимини яратишнинг асоси ҳисобланади.



## "Ўзбекистон ҳаво йўллари" қарийб икки миллион кишини ўз манзилига элтган

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси хизматидан ўтган 9 ой давомида 1,962 млн йўловчи фойдаланган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 236 минг нафарга кўпдир. Умуман, ўтган давр мобайнида жами 18517 та рейс учган бўлиб, бу ҳам ўтган йилдагига қараганда 457 тага кўпдир.

Бундай кўрсаткичларга эришишда узоқ мамлакатларга ташиш хизматлари 6,5 фоиз, МДХ мамлакатларига 17,1 фоиз, маҳаллий қатновлар сони 16,4 фоизга ўсгани муҳим аҳамият касб этган. Ўтган вақт мобайнида компания томонидан 30 минг тонна юк ташилган.

## Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мактабгача таълим муассасалари фаолиятдан қониқмади

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси халқ таълими вазирининг болаларни мактабгача таълим муассасаларига жалб этишнинг ҳолати ахбороти эшитган. Бу ҳақда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайти хабар беради.**

Парламент эшитишда келтирилишича, республикада давлатга қарашли 4978 та мактабгача таълим муассасаларига 539065 нафар бола қамраб олинган. Мавжуд муассасаларда 52515 нафар педагог-тарбиячи меҳнат қилмоқда.

Ҳар йили таълим соҳасига ажратилаётган маб-

лағларнинг 10 фоизи мактабгача таълим муассасалари таъминотига йўналтирилмоқда. 2012 йилнинг 1 ярим йиллигида йўналтирилган маблағ 343,9 млрд сўмни ташкил этади.

Шу билан бирга, мактабгача таълим муассасаларига 2-7 ёшгача бўлган болаларнинг қамраб оли-

ниши Қашқадарё вилоятида 11,4 фоизни, Сурхондарё вилоятида 11 фоизни, Хоразм вилоятида 15,8 фоизни, Республика бўйича эса атиги 22,7 фоизни ташкил этмоқда.

Айрим ҳудудлардаги мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техника базаси талабга жавоб бермайди, кадрлар малакаси етарли эмас. Жойларда махсус маълумотга эга бўлган кадрларнинг етишмаслиги натижасида нуқсонли бўлган болалар учун махсус мактабгача таълим муассасалари етарли даражада ташкил этилмаган.

Жойларда "Қисқа муддатли гуруҳлар тўғрисида"ги низомга асосан мактабгача таълим муассасаларига қатнамайдиган болалар учун қисқа муддатли гуруҳларни, нуқсонли болаларнинг сурункали касалликлар тоифаси асосида ихтисослаштирилган ва санаторий йўналишидаги мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш масалаларига етарли даражада эътибор берилмаётир.

Депутатлар халқ таълими вазирига вазиятни яхшилаш юзасидан тегишли чоралар кўриш зарурлигини таъкидладилар.



## Ўзбекистон тараққиёт кўрсаткичлари бўйича Россияни ортда қолдирди



Ўзбекистон, Legatum Institute тадқиқот институти таҳлилларига кўра, дунёнинг тараққий этаётган мамлакатлари орасида 64 ўринга лойиқ, деб топилди. Ушбу рейтинг натижаларига кўра, Ўзбекистон Россия (66), Украина (71), Туркия (89) ва Эрон (102) давлатларидан юқори ўринни эгаллаган.

Рейтингга мувофиқ, Ўзбекистон иқтисодий йўналишида 66, социал капитал йўналишида 17, тадбиркорликда 98, таълимда 65, соғлиқни сақлашда 72, хавфсизликни таъминлашда 66-ўринларда қайд этилган.

Тараққиёт натижалари 79 та кўрсаткич бўйича саккизта йўналишда аниқланган. Ушбу индекс доирасига 142 та мамлакат қамраб олинган бўлиб, унга ер аҳолисининг 96 фоизи, дунё ялпи ички маҳсулотининг 99 фоизи тўғри келади.

Рейтинг натижаларига кўра, индексни Норвегия бошқармоқда. Ундан кейинги ўринларни Австралия, Янги Зеландия, Канада, Финляндия, Нидерландия, Швейцария, Ирландия давлатлари эгаллаган. АҚШ эса ушбу рейтингда 12 ўриндан жой олган.

## 9 ой давомида 178 минг дона автомобиль ишлаб чиқарилди



Шу йилнинг тўққиз ойи давомида Ўзбекистон машинасозлик корхоналари 6 триллион сўмликдан орტიқ саноят маҳсулотлари ишлаб чиқаришган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10,6 фоизга кўпдир. Бу ҳақда Ўзбекистон давлат статистика қўмитаси маълумотига асосланиб, газета.ўз сайти хабар тарқатди.

Қўмита маълумотларига қараганда, шу давр мобайнида Ўзбекистонда 178 мингта автомобиль ишлаб чиқарилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,2 фоизга кўпдир. Енгил автомобиллар ишлаб чиқаришга бўлган талаб 6 фоизга, юк автомобилларига 57,9 фоизга ўсган.

Ҳисобот даврида ноозиқ-овқат маҳсулотлари, чунончи, кондиционерлар ишлаб чиқариш 5,6 баробар, энергия тежовчи лапмалар 4,1 бараварга, электрройниклар 27,7 фоизга, дазмоллар 24,8 фоизга, совутич ва музлатгичлар ишлаб чиқариш 18,5 фоизга ортган.



Ўзбекистон ҳукумати келаси йил учун солиқ ва бюджет сиёсати концепцияси, шунингдек, 2013 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини тасдиқлади.

Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги тарқатган хабарда келтирилишича, солиқ юқини янада камайтириш бўйича жисмоний шахслардан олинмаган даромад солигининг биринчи шкала бўйича энг кам ставкасини 9 фоиздан 8 фоизга пасайтириш назарда тутилмоқда, бу эса ўз навбатида жисмоний шахслар ихтиёрида қарийиб 186 миллиард сўм, шу жумладан, энг кам иш ҳақининг 5 баробаридан кам даромад олувчи 2,7 миллион кишига қўшимча 120 миллиард сўм даромад қолишига имкон беради.



## Ҳукумат 2013 йил учун давлат бюджети параметрлари лойиҳасини маъқуллади

Шунингдек, юридик шахсларнинг номоддий активлари, патент, лицензия, дастурий таъминот, муаллифлик ҳуқуқлари ва бошқалар мулк солиғи солиш объектидан чиқарилмоқда. Солиқ сиёсати концепциясига киритилган ушбу ва бошқа рағбатлантирувчи чораларни амалга ошириш, келгуси йилда мамлакат иқтисодийётига солиқ юқини 2012 йилда кутилаётган 21,6 дан 21,3 фоизгача, яъни ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз бандга камайтиришни таъминлайди.

Бюджет сиёсати ва 2013 йил учун Давлат бюджетининг асосий йўналишларида харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганлиги сақлаб қолинмоқда, аҳолининг турмуш ва даромадлари даражасини янада ошиши, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва жиҳозлаш, шунингдек, фаол инвестиция сиёсатини амалга оширишга қаратилган. Жами харажатларнинг 59 фоиздан ортиги ижтимоий соҳани молиялаштириш учун мўлжалланган.

Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобига 313 та умумтаълим мактаби, 228 та академик лицей ва профессионал коллежларни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш назарда тутилган. 1500 дан ортиқ умумтаълим мактабларини ва 700 та академик лицей ва профессионал коллеж замонавий ўқув инвентарлари, компьютер ва ўқув лабораториялари билан жиҳозланади.

Келгуси йилда 54 та болалар музика ва санъат мактаби ва 137

та спорт зали ҳамда 25 та болалар спорт объектини қуриш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш амалга оширилади.

2013 йилда 130 та ўринга мўлжалланган 3 та юқумли касалликлар шифохонаси, 400 ўринли 5 та сил санаторияси, шунингдек, 54 та туманда 5800 қатновга мўлжалланган ва 7600 нафар беморни қабул қиладиган тиббиёт муассасалари қурилиши ва реконструкцияси назарда тутилган. "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида Жаҳон банкининг имтиёзли кредитлари ҳисобига 150 та туман марказий шифохонасини 96 турдаги замонавий асбоб-ускуна, шу жумладан, рентген аппарати, рақамли ультратовушли сканер, биокимёвий анализатор ва бошқа зарур ускуналар билан жиҳозлашни молиялаштириш режалаштирилган.

Иқтисодийёти молиявий қўллаб-қувватлашга 2,8 триллион сўм ёки жорий йилнинг тасдиқланган параметрларига нисбатан 22 фоиз кўп маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Хусусан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни сув ресурслари билан ўз вақтида ва тўлиқ таъминлашга 1,4 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтириш кўзда тутилган.

Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси орқали мелиорация тармоқларини реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тозалаш дастурига харажатлар 227,5 миллиард сўмни ташкил этади, бу эса 300 минг гектардан зиёд экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш имконини беради.

2013 йилги Давлат бюджети лойиҳасида маҳаллий аҳамиятга

эга умумий фойдаланиладиган ва хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини таъмирлаш билан боғлиқ харажатларни жорий йил учун тасдиқланган параметрларга нисбатан 1,69 маротаба ошириш назарда тутилган.

Халқаро ва республика аҳамиятига эга автомобиль йўллар сифатини ошириш, тегишли инфра-таъминотларни барпо этиш мақсадида Республика йўл жамғармаси ҳисобидан 661 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Замонавий халқаро стандартларга жавоб берадиган 526 километр узунликдаги автомобиль йўллари, шунингдек, бир қатор қўриқ ва йўл ўтказгичлар қурилади.

Намунавий лойиҳалар асосида қишлоқ жойларда яқка тартибдаги уй-жойлар қуриш дастури доирасида 326 та қишлоқ массивида 8510 та замонавий қишлоқ уйини қуришга 1,0 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтириш кўзда тутилмоқда.

Аҳолига, айниқса қишлоқ жойларида ичимлик сувини етказиб бериш сифатини яхшилаш учун харажатларни 2012 йил учун белгиланган параметрларига нисбатан 2 маротаба ошириш ҳисобига кейинги йилда 654 километр узунликдаги сув қувурлари тармоғини ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, келаси йил учун солиқ ва бюджет сиёсати концепцияси, шунингдек, 2013 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳаси Олий Мажлис палаталари томонидан тасдиқланиши, шунингдек, Президент қарори билан қучга кириши керак.

## 973 мингта иш ўрни яратилади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2013 йилда иш жойларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳасини ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилди, деб хабар беради УЗА. Дастур лойиҳасида 2013

йилда 973 мингта, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига - 485,5 мингта, касаначиликнинг турли шакллари кенгайтириш ҳисобига - 218,4 мингта, йирик ишлаб чиқаришларни

модернизация қилиш ва қайта тиклаш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма, қишлоқ хўжалиги ҳисобига - 268,8 мингта янги иш ўринларини яратиш назарда тутилмоқда.

Дастур мамлакат парламенти томонидан тасдиқланиши керак.

# ОДКБ эшиклари очик қолади

**Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти - ОДКБга аъзо давлатларнинг Ўзбекистон буйича яқдил позицияси ташкилотнинг шу йил 19 декабрь куни Москвада бўлиб ўтадиган саммитида баён этилади. Бу ҳақда Россия Федерациясининг ОДКБ хузуридаги вакили Игорь Лякин-Фролов РФ Давлат думасининг МДХ масалалари ва ватандошлар билан алоқалар кўмитаси йиғилишида маълум қилди.**

Унинг сўзларига қараганда, шу пайтга қадар бўлиб ўтган ташкилот маслаҳатлашувларида Ўзбекистоннинг ОДКБда ўз аъзолигини тўхтатиш буйича қарори юзасидан позициялар эшитиб кўрилган. "Биз Ўзбекистон аъзолигини тўхтатиш буйича тўхтамга келамиз, аммо айна пайтда Ўзбекистон учун ушбу ташкилот эшикларини очик қолдиришни истар эдик", деди у жумладан.

Дипломатнинг сўзларига кўра, расмий Тошкентнинг аъзоликни тўхтатиш ҳақидаги қарори кутилган эди. Чунки Ўзбекистон ва бошқа аъзолар мазкур ташкилотни ривожлантириш борасида мутлақо бошқа-бошқа ёндашувга эга эди. Тошкент ОДКБга аъзо-давлатлар-

нинг биронтаси ёки бир нечтасига ташқаридан ҳужумлар бўлган тақдирда ёрдам бериш буйича тартибини маъқулласа-да, бошқа аъзолар, чунончи, Россия ҳам ташкилотнинг замонавий таҳдидлар - терроризм, наркотрафик, ноқонуний миграция, кибержиноятчиликка қарши буйича ҳам фаолиятини кенгайтириш тарафдори эди.

Россиялик дипломатнинг сўзларига қараганда, Ўзбекистоннинг ОДКБдан чиқиши жиддий зиён келтирмайди. Аммо бу ташкилотнинг нуфузига салбий кўрсатиши мумкин.

Айни чоғда Россия Федерацияси Давлат думасининг МДХ масалалари ва ватандошлар билан алоқалар кўмитаси раиси Леонид

Слущкий Ўзбекистоннинг ОДКБга аъзолиги жиддий эътиборни талаб қилади, деб таъкидлади. Унинг фикрича, Ўзбекистон Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш, шунингдек, ташкилот истиқбол учун муҳим давлатдир. У Ўзбекистон учун ОДКБ эшиклари очик қолаётганини ижобий баҳолаб, бу борада ишлар самарадорлигини оширишга ундади.

Эслатиб ўтамай, Ўзбекистон Республикаси шу йилнинг июнь ойида Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти фаолиятидаги иштирокини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг ушбу масала буйича тегишли нота-си шу йилнинг 20 июнь



куни Ташкилот Котибиятига юборилган. Бу ҳақда "Жаҳон" ахборот агентлиги расман ахборот берган.

Ўзбекистон бу хатти-ҳаракатини Афғонистон билан боғлаган. Чунончи, Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги вакилига таяниб "КоммерсантЪ" газетасининг ёзишича, Ўзбекистон ОДКБнинг Афғонистон буйича стратегик режаларидан қониқиш ҳосил қилмаганлиги боис ушбу мам-

лакат билан икки томонла-ма ҳамкорликка кўпроқ урғу бермоқда. Қолаверса, расмий Тошкент ОДКБга аъзо-давлатлар ўртасида ҳарбий ҳамкорликнинг кучайиб бораётганига ҳам ўз эътирози борлигини қайд этган. Умуман, "Ўзбекистон ОДКБдан чиқиш сабабларини нотада тўлиқ акс эттирган", деб маълумот беради Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг исми ошкор қилинмаган вакили.



**Лондоннинг Қироллик фестиваллар залида Инглиз камера оркестрининг 50 йиллигига бағишланган концерт бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистонлик пианиночи Беҳзод Абдураимов муваффақиятли иштирок этди. Созанда Моцарт асарларини ижро этди.**

## Ўзбекистонлик пианиночи Лондоннинг Қироллик саройида концерт берди

Беҳзод инглиз камера оркестри билан ҳамкорликда Моцарт асарларини ижро этди. У томонидан ижро этилган куйлар залдаги тингловчилар томонидан гулдурас қарсақлар билан кутиб олинди.

Авал хабар берилганидек, апрель ойида ҳам Беҳзод Лондондаги концерт заллардан бирида "Classic FM Live" концерт дастурида, сентябрда эса Ливерпулда концерт берган эди. Шу йилнинг декабрь ойида Беҳзод Лондондаги яна бир мусиқа

кечасида иштирок этади.

Ёш пианиночи бир қатор халқаро даражадаги танловларнинг ғолиби бўлган. Хозирда у АКШдаги Парк Университетида таҳсил оляпти. Ёш бўлишига қарамай у Хитой, Нидерландия, Италия, Малайзия, Буюк Британия, Австралия, АКШ каби мамлакатларда ўз концерт дастури билан қатнашган.

Бу йил Британиянинг "Десса" компанияси томонидан унинг ижросидаги асарлар дискка кўчирилди.

## ОАВни давлат рўйхатига олиш икки бараварга арзонлаштирилди

**Ўзбекистон ҳукуматининг қарори билан оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатига олиш учун йиғиладиган давлат божлари миқдори камайтирилди.**


Қарорга кўра, даврий матбуот нашрлари (газеталари, журналлар, бюллетенлар, альманахларни ва бошқалар) давлат рўйхатидан ўтказиш учун аввалги энг кам иш ҳақининг 25 баравари ўрнига 12,5 бараварга туширилди, теле-, радио-, видео-, кинохроник дастурлар ва ахборот агентликлари энг кам иш ҳақининг аввалги 30 баравари ўрнига 15, интернет ОАВ 0,5 баравар, бола-

лар, ўсмирлар, ногиронлар учун мўлжалланган, таълим, маданий-маърифий йўналишдаги ОАВ учун энг кам иш ҳақининг 2,5 баравар миқдорида давлат божи тўланди. Реклама нашрлари эса 50 баравари ўрнига 25 баравар миқдорида тўлайди.

Шу билан бирга, Оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги нюзомга янги норма билан тўлди-



рилиб, унга кўра, давлат рўйхатига олиш ёки қайта рўйхатга олиш учун ҳужжатлар қайта кўриб чиқилаётганда, агар аввал берилган эътирозлар бартараф этилган бўлса, янги нўхсон ёки камчилик билан рўйхатга олишни рад қилишга йўл қўйилмайди.



Бу ҳақда Associated Press ахборот агентлигига асосланиб, UzDaily.Uz хабар беради. Сайтининг ёзишича, унинг организмидан метилгексанеамин стимуляторига ижобий натижани кўрсатган ва спортчи Олимпиада медалидан маҳрум қилинган.

Расмий: Халқаро олимпия кўмитаси Лондон - 2012 бронза медали соҳиби ўзбекистон-

**2012 йилги Лондон Олимпиадасида Ўзбекистон номидан иштирок этиб, 74 килограммгача вазнда бронза медаль совриндори бўлган Сослан Тигиев допинг истеъмол қилганликда гумон қилинмоқда.**

## Сослан Тигиев допинг туфайли Олимпиада медалидан қуруқ қолди

лик курашчи Сослан Тигиевни допинг ишлатгани учун мукофотдан маҳрум қилди. Кўмита уни Лондон ўйинларидан дисквалификация қилиб, медални қайтаришни талаб қилди.

Kun.uz сайтининг Associated Pressга асосланиб ёзишича, Олимпиада ўйинлари бронза медали учун баҳсда Сослан Тигиевга имкониятни бой берган венгриялик Габор Хатосга Тигиевнинг медали бериладиган бўлган.

29 ёшли Сослан Тигиев, 2012 йилги Олимпиада ўйинларининг ўзбекистонлик тўрт совриндоридан бири сифатида,

Ўзбекистон Президентининг 2012 йил август ойида "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони билан тақдирланган, шунингдек, Президентнинг 2012 йил июль ойидаги Қарорига асосан 50 минг АКШ доллари миқдорида мукофот пули ва Lacetti автомашинасини қўлга киритган эди.

Эслатиб ўтамай, бу йилги Лондон Олимпиадаси ўзбекистонлик атлетлари учун оғир келди. Негаки, спортчиларимиздан Абдулла Тангриев, Луиза Галиулина ҳам допинг туфайли Олимпиадада қатнашишдан маҳрум бўлган эди.



## Ҳиллари Клинтон Давлат департаментидан кетади

**АҚШ давлат котиби Ҳиллари Клинтон қайта сайланган Барак Обама маъмуриятида ўз фаолиятини давом эттирмайди. Бу ҳақда АҚШ давлат департаментининг расмий вакили Виктория Нуланд маълум қилган.**

"Давлат котибининг режалари ўзгаргани йўқ. Сиз бир неча бор эшитгансиз, у ўз ўрнига келади меросхўрига ишга киришиш учун яқиндан ёрдам бериб, узини шахсий ҳаётига бағишламоқчи", деди у, жумладан.

Президент янги давлат котибини эълон қилиши керак бўлади. Ҳозирча ушбу лавозимга тайинланиш эҳтимоли юқори бўлганлар орасида Сенат халқаро алоқалар кўмитаси раиси Жон Кэрри ва АҚШнинг БМТдаги вакили Сьюзан Райслар номи тилга олинмоқда.

Виктория Нуланд АҚШ давлат котиби ким бўлиши мумкинлиги ҳақидаги саволларга жавоб бермаган бўлсада, бу ҳақда Барак Обама яқин кунларда маълум қилишини айтиб ўтди.

Ҳиллари Клинтон Барак Обамага демократик партияси праймеризидан қарши ку-

рашган, собиқ президент Билл Клинтоннинг турмуш ўртоғи бўлиб, унинг тўрт йиллик фаолияти жуда оғир кечди. Бу викиликс орқали махфий ёзишмаларнинг жамоатчиликка ошқор бўлиши, Яқин Шарқ ва араб мамлакатларидаги инқилоблар, Россия ва Хитой билан тигиз ва танг муносабатлар, Ливияда АҚШ элчисининг ўлдириб кетилиши - буларнинг барчасига у катта матонат билан бардош берди.

Ҳиллари Клинтон хоним ўзбекистонликларга жуда яхши таниш бўлиб, у Ўзбекистонга биринчи хоним сифатида бир марта, АҚШ давлат котиби сифатида бир неча марта ташриф буюрган. Икки томонлама алоқаларга катта ҳисса қўшган дипломатлардан.

Мутахассислар фикрича, у 2016 йилда демократлардан АҚШ президентлиги учун муносиб номзодлардан бири бўлиши мумкин.

## Ўғрини тўфон урди

**"Сэнди" тўфони чоғида Нью-Йоркда жиноятчилик даражаси 3 бараварга камайган. Бу ҳақда Reuters ахборот агентлиги Нью-Йорк полиция департаментига таяниб хабар берди. Чунончи, 29 октябрдан 2 ноябргача бўлган давр оралиғида шаҳарда жиноятчилик 32 фоизга пасайган.**

Бунда қотилликлар сони 86 фоизга, зўрлаш ҳолатлари 44, босқинчилик 30, қуролли ҳужумлар 31, майда ўғирлик 48, машина олиб қочишлар 24 фоизга камайган. Умуман, шу беш кун ичида Нью-Йоркда 1061 та жиноят қайд этилган. Ваҳоланки, ўтган йили худди шу давр оралиғида 1524 та жиноий қилмишлар уюштирилган.

Лекин шундай бўлса-да, уйларни бузиб талон-тарож қилиш ҳолатлари 3 фоизга ўсган. Полиция вакиллари-нинг сўзларига қараганда, бу аҳолининг бевосита ёғингарчилик боис ўз уйларини ташлаб чиққанлигидан айримларнинг "фойдалангани" билан бевосита боғлиқдир.

Эслатиб ўтамыз, "Сэнди"



тўфони туфайли АҚШда 100 нафардан ортиқ киши ҳалок бўлиб, жуда кўплаб шаҳар қисмлари электрисиз қолиб кетди. Экспертларнинг фикрича, тўфон Америка иқтисодиётига 30-50 миллиард АҚШ доллар миқдоридан зарар келтирган.

## Ҳар бир сайёҳ учун кунига икки доллар йиғим олинади

**Ўзбекистон ҳукумати Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлари туғрисида қарор қабул қилди. Ушбу ҳужжатга биноан, шу йилнинг 15 октяб-ридан сайёҳларни жойлаштириш бўйича хизмат кўрсатиш бўйича фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган субъектлар сайёҳларнинг ҳар бири яшаган кунига 2 доллар йиғим тўлайди. Бу ҳақда Podrobno.uz сайти хабар беради.**

Туристларни жойлаштириш бўйича туристик фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга субъектларга меҳмонхона хўжаликлари, сайёҳлик мажмуалари, туристик базалари, дам олиш худудлари, пансионатлар, кемпинглар, ўтов лагерлари, миллий меҳ-

монхоналари ва туристларни камида бир кеча жойлаштириш қувватига эга бошқа объектлар қиради.

Бунда бошқа туристик фаолиятини амалга оширувчи бошқа субъектлардан йиғимлар бекор қили-



нади. Ушбу йиғимлардан келиб тушган маблағлар "Ўзбекитуризм" компанияси ҳузуридаги туризмни ривожлантириш фондида келиб тушади.

## Сайёҳ ош ейиш учун Ўзбекистонга келади

**Тошкентда "Ипак йўлида туризм" деб номланган халқаро сайёҳлик кўргазмаси бўлиб ўтмоқда. Унда дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатидан 700 зиёд компаниялари иштирок этмоқда.**

Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги тарқатган хабарда келтирилишича, Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳозир дунёда туризм саноатида 195 миллиондан зиёд киши хизмат қилади ва ушбу соҳанинг дунё бўйича йиллик пул айланмаси 900 миллиард АҚШ долларидан ошади. Жаҳон сайёҳлик саноатида халқаро туризмдан тушаётган даромад автомобиль, нефть ва газ ишлаб чиқариш саноатидан кейин учинчи ўринда туради.

Ўзбекистон сайёҳлик кўлами ва тарихий қадамжолари кўпчилиги бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторидан жой олган. Мамлакат-

да тўрт мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорлик бор. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шахрисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг жаҳон мероси дурдоналари рўйхатида киритилган.

"Ўзбектуризм" миллий компаниясидан маълум қилишларича, 2011 йилда мамлакатда бир миллиондан зиёд сайёҳга хизмат кўрсатилган. Бу 2010 йилга нисбатан 5,4 фоиз кўпдир. 2011 йилда сайёҳларга хизмат кўрсатиш ҳажми 8,3 фоиз ошган. Соҳада иш юритаётган хўжалик субъектлари сони ҳам мунтазам ортиб бормоқда. 2011 йилда 124 сайёҳлик корхонаси ва 55 меҳмонхона ишга туширил-



ган. Бугунги кунда мамлакатда ушбу соҳада 865 сайёҳлик ташкилоти - 506 сайёҳлик оператори ва 359 меҳмонхона фаолият олиб бормоқда.

Мамлакатда сайёҳликнинг экотуризм, экстремал, маърифий, маданий ва жисмоний саёҳат каби тур-

лари ҳам изчил ривожланмоқда. Сайёҳлар орасида альпинистлар, чанги спортга қизиқувчилар кўпаймоқда. Ички туризмни ривожлантириш, худудларда тарихий-археологик боғлар барпо этиш, янги туристик маршрутларни ишлаб чиқиш, қишлоқ жой-

ларда туризм ва туристик хизматларни ривожлантириш, автомагистрал йўллар, сайёҳлик объектлари атрофида меҳмонларга замонавий сервис хизмати кўрсатиш мажмуаларини барпо этишда хусусий сектор фаоллик кўрсатмоқда.

Чет эл сайёҳлик компанияларининг айтишича, Ўзбекистон миллий ошоналари хорижий туристларни жалб этувчи муҳим сайёҳлик тармоқларидан саналади. Айниқса, миллий таомларнинг ранг-баранглиги, мазали эканлиги ҳам мана шу йўналишда ривожлантиришда муҳим омилдир. Маълум бўлишича, Ўзбекистонда ушбу тармоқни ривожлантириш учун Миллий кулинария санъати халқаро маркази ташкил этилади. У ўзбек миллий таомларини хорижда тарғиб қилиш ҳамда бу борада туристларни жалб қилиш чораларини кўради.

## Фаластин мустақиллиги: натижаси сароб бўлган интилишми?



Фаластин автономияси раҳбари Махмуд Аббос Бир-лашган Миллатлар Ташкилоти эътиборига Фаластин учун БМТга аъзо бўлмаган мустақил давлат мақоми бериш масаласини ҳавола этишини маълум қилди. У бу ишни шу йилнинг 29 ноябрь куни амалга оширишни мўлжал-лаб турибди.

Аббос ушбу масала етарли-ча овоз тўллашига ҳамда агар бу мақом маъқулланса, зудлик билан Исроил билан музокара-ларни бошлашга тайёр экан-лигини билдирди.

Ушбу масалада Махмуд Аббос 11 ноябрь куни АҚШ президенти Барак Обама билан телефон орқали мулоқот қилиб, ундан "фотиҳа" сўраган. Аммо Обама фаластинликлар ташаббусига қарши чиқишини билдирган. Бундан ташқари, Аббос Исроил давлатининг айрим расмийлари автономияга, агар ушбу масала БМТ кун тартибига қўйилса, жиддий чоралар кўрилиши билан таҳдид қилган.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Фаластин автономия-си ўз мустақил давлатлиги тузи-ши борасида бир неча ўн йил-лардан бери курашиб келади. Бунга, шубҳасиз, "катта ога" АҚШнинг рўйхушлик берилаёт-гани жиддий тўсиқ бўлаётган эди. АҚШ ва Исроил расмийла-ри бундай масала халқаро миёнларда эмас, балки икки томонлама музокара орқали ҳал этилиши кераклигини қайд этиб келади.

2011 йилда БМТ Хавфсизлик кенгаши худди шу масалада музокара олиб борган бўлса-да, ягона ҳулосага кела олма-ган эди. Фаластин маъмурияти БМТ Хавфсизлик кенгаши ор-қали масалани ҳал қилишга умид қилишмайди, боиси АҚШ туғридан-туғри бу масалада вето ҳуқуқидан фойдаланиши-ни маълум қилди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, 2011 йил 23 сентябрь куни Фаластин мухторияти раҳбари Махмуд Аббос БМТ Бош қотиби Пан Ги Мунга Фала-стин давлатини 1967 йилги чегарадан тан олиш бўйича му-рожаат билан ҳужжатларни топширган эди.

Амалдаги тартиб-қоидаларга кўра, Бош қотиб ушбу масала-ни Хавфсизлик кенгашига юбо-риши керак эди. Аммо Хавфсиз-лик кенгашида АҚШ вето қўйиши аниқ бўлгани боис Аб-бос ушбу масалани БМТ Бош

Ассамблеясида кўриб чиқиши-ни талаб қилмоқда. Чунки ушбу тузилмада ҳеч ким вето ҳуқуқидан фойдалана олмайди.

Агар Бош Ассамблеяга аъзо давлатларнинг учдан икки қисми ушбу муурожаатни қўллаб-қувватласа, Фаластин БМТга аъзо бўлмаган мустақил давлат мақоми олади. Бун-дай ҳуқуқдан, масалан, Ватикан фойдаланади.

Фаластиннинг ушбу мақомга эга бўлиши унга Исроил ва унинг ноқонуний хатти-ҳаракат-лари устидан халқаро судларга муурожаат қилиш ҳуқуқини беради. Бу, шубҳасиз, расмий Тел-Авивнинг аҳолини анча-гина қийинлаштиради.

Бизнингча, Исроилнинг хал-қаро таъсирга эга мамлакатлар билан яқин алоқада эканлиги, қолаверса, Фаластин давлати-даги кучларнинг яқдил сиёсат остида бирлаша олмаслиги ҳам бу жараёнга жиддий тўсиқ бўлади. Қолаверса, Исроил ва АҚШ Фаластиннинг келажаги билан боғлиқ қўллаб қарор-ларга таъсир кўрсатиш восита-ларига эга. Масалан, ЮНЕСКО Фаластин мустақиллиги бўйи-ча янги ташаббус билан чиқи-ши ушбу ташкилотга АҚШ то-монидан ажратиладиган ҳўмийлик маблағларининг тўхтатилишига олиб келди.

Эслатиб ўтамиз, ҳозирда Фаластин БМТда "кузатувчи-субъект" сифатида иштирок этиб келмоқда. У 29 ноябрь куни "Кузатувчи-давлат" мақо-мини олишни муҳокамага қўймоқчи.

Маълумотларга кўра, ҳозир-да ушбу лойиҳани БМТга аъзо 193та давлатдан 132 таси маъ-қулласа ва Фаластинни тўлиқ ҳуқуқли давлат сифатида қабул қилишга тайёр.

Р.С. Ўзбекистон Республи-каси Президенти Ислоҳ Каримов Фаластин озодлик ташки-лоти Ижрония қўмитаси раиси, Фаластин миллий маъмурияти раиси Махмуд Аббосни Фала-стин Давлати эълон қилинган кун муносабати билан мубо-рақдод этди.

2012 йилда АҚШ президентлиги учун бўлиб ўтган сайловлар натижалари кўпчилик учун "сюрприз" бўлмаган эса-да, бу сайловлар мамлакатдаги сиёсий кучлар учун катта аҳамиятга эга воқелик бўлди. Бошқача айтганда, ушбу сайловларда ҳақиқатда нафақат икки сиёсий куч бир-бири билан мувоҳаса қилди, балки миллионлаб одамлар ҳам бу жараёндан қайсидир маънода ғолиб бўлиб чиқдилар.

## 2012 йилги сайловларнинг асосий ғолиб ва мағлублари

Ҳўш, 2012 йилги сайловлар-да ким ютдию, яна ким ким ют-қазди? Албатта, энг катта ғолиб, шубҳасиз, Барак Обамадир. Асосий мағлуб бўлган шахс - Митт Ромнидир.

Лекин бу жараённинг бошқа ғолиблари ҳам борлигини унутмаслик керак! Улар қуйда-гилар:

**Аёллар**  
Шуни айтиш керакки, аёл-лар жами сайловчиларнинг 53 фоизини ташкил этди. Улар-нинг аксарияти Барак Обама учун овоз беришди. Қолаверса, аёл сиёсатчилар учун ҳам бу гал жуда муҳим имконият бўлди. Масалан, Сенатга тўрт нафар аёл демократлар партиясидан сайланган бўлса, Нью-Гемп-ширда эса штат янги губерна-тори ва икки нафар Вакиллар палатасига конгрессумен сай-ланди.

**Барак Обаманинг сайлов кампанияси жамоаси (Пиар-менлар, имижмейкерлар, маслаҳатчилар)**

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Обаманинг қайта сай-ланишида унинг сайловдодли кампанияси улкан ишни ба-жарди. Гап шундаки, улар мам-лакатда ишсизликнинг мана шундай юқори бўлиши шаро-итида ҳам президентни қайта сайлашни урдалашди. Бундай кўрсаткичдаги ишсизлик билан АҚШ президентлари орасида Франклин Рузвельт кейинги муддатга сайланган эди. Қола-верса, пиарменлар мунтазам осик бўлган штатларда жиддий иш олиб боришди. Улар Фло-рида ва Виржиния сингари Обама галаба қозонишини та-саввур қилиб бўлмайдиган штатларга жуда катта маблағ-ларни йўналтириб, имкони йўқ ишнинг урдаласин қилдишди.

**Ёш сайловчилар**

АҚШда социологлар мунта-зам ёшларнинг сиёсий жараён-ларда кўлиб келишадими, парти-янинг яқши натижаларни қўлга киритишида Бубба (Билл Клин-тон) муҳим роль ўйнади. Айниқ-са, у ёки бу партиани аънаваный қўллаб-қувватламайдиган штат-ларда унинг сайловчиларга та-ъсири жуда катта бўлди. The Washington Post газетаси у 2016 йилги сайловларда мана шундай вазифани турмуш ўртоғи Хилла-ри Клинтон сайлов кампанияси-да ҳам бажариши мумкин, деб ёзади. "Биз айтмаяпмиз, биз шунчаки айтаяпмиз", деб ҳуло-са қилади нашр.

**2016 йилги президент сайлови**

Обаманинг галаба қозонгани 2016 йилги сайлов жараёнла-рининг бошқа бир муҳитида, яъни икки томоннинг ҳам тенг ва янги руҳ билан сайлов кам-паниясини олиб бориш имко-нини беради. Тарафлар қилин-ган ёки қилинмаган ишларни эмас, ўзлари илгари сурган янги ғояларни кўпроқ ҳимоя қилишадди.

**Мағлублар Республикачилар партияс**

**Иммигрантлар ва испан тилида сўзлашувчи сайловчилар**

Сайловда фаол қатнашган аҳоли қатламларидан бири, шубҳасиз, испан тилида сўзла-шувчилар бўлди. Чунки улар Обаманинг иммиграция сиёса-тини қўллаб-қувватлаши билан бирга, республикачиларга жуда катта "сигнал" беришди. Сай-ловдан сўнг зудлик билан рес-публикачилар партиясини вакил-лари партиясининг иммигра-ция бўйича позициясини қайта кўриб чиқиши кераклигини таъкидлашди. Бундан кўриниб турибдики, республикачилар партиясини Обама маъмурияти-нинг иммигрантларга энгиллик беришни кўзда тутадиган қонунларни қўллаб-қувватлаш эҳтимоли ошади.

Партия жиддий йўқотишга учради, дейишдан йироқмиз. Аммо улар сайловда фақат оқ танли америкаликларга суя-ниб, галаба қозониш мушкул-лашиб бораётганини тушу-нишди. Оқ танли америкалик-ларда ҳам партияга нисбатан бир қатор саволлар бор эди. Бизнингча, партиясини Митт Ром-ни номзоди билан ўз консер-ватив қарашларига янгича шуқуҳ бера олмади. Партия етакчилари кейинги сайлов-ларда иммиграция, жинсий камчилик, аборт масаласида яқдил ҳулоса ва тўхтамга кели-ши керак бўлади.

**Чоқ партияс**  
Теа-partудан Конгрессга кўрсатилган номзодлар ўз ол-диларига қўйилган вазифани



**Билл Клинтон**

Демократик партиясини вакиллари орасида Барак Обама тенгма-тенг ўзини намойён этган ва Оба-мини қўллаб-қувватлаш, партиясининг яқши натижаларни қўлга киритишида Бубба (Билл Клин-тон) муҳим роль ўйнади. Айниқ-са, у ёки бу партиани аънаваный қўллаб-қувватламайдиган штат-ларда унинг сайловчиларга та-ъсири жуда катта бўлди. The Washington Post газетаси у 2016 йилги сайловларда мана шундай вазифани турмуш ўртоғи Хилла-ри Клинтон сайлов кампанияси-да ҳам бажариши мумкин, деб ёзади. "Биз айтмаяпмиз, биз шунчаки айтаяпмиз", деб ҳуло-са қилади нашр.

**2016 йилги президент сайлови**

Обаманинг галаба қозонгани 2016 йилги сайлов жараёнла-рининг бошқа бир муҳитида, яъни икки томоннинг ҳам тенг ва янги руҳ билан сайлов кам-паниясини олиб бориш имко-нини беради. Тарафлар қилин-ган ёки қилинмаган ишларни эмас, ўзлари илгари сурган янги ғояларни кўпроқ ҳимоя қилишадди.

**Мағлублар Республикачилар партияс**

удалати олишадими. Албатта, республикачиларнинг мазкур қаноти кўпроқ популист экан-лиги, аниқ мақсад ва дастурга эга эмаслигини кўрсатади.

**Ташқи сиёсат**

Гарчи оммавий ахборот во-ситалари Обаманинг ташқи сиё-ёсатида кўп урғу берган бўлса-да, сайловчилар учун бу мавзу жиддий эъмолиги кўзга таш-ланди. Сайловларда қатнашган-ларнинг бор-йўғи беш фоизи-гина ташқи сиёсат улар учун ўта муҳим масала эканлигини қайд этишган. Ўзтиборли жи-ҳати, Обама мана шундай гу-руҳлар орасида Ромнини 20 фоиз кўп овоз билан ортда қол-дирган.

**Яхудийлар**

Маълумки, Барак Обама дав-рида Исроил ва Америка муно-сабатлари бирмунча таранглаш-ди. Обама ҳатто яхудийлар дав-лати 1967 йилги чегарага қай-тиши керак деган, фикрни ўртага ташлади. Шунинг учун бўлса керак, Америка фуқаро-лигига эга бўлган исроиллик-ларнинг 85 фоизи жорий йил-ги АҚШ президенти сайлови-да республикачилар партиясини вакили Митт Ромнига ўз овози-ни берган.

## KHAYMANS GROUP

www.khaymanscargo.com

**ДОСТАВКА ТОВАРОВ  
В СТРАНЫ СНГ И ЕВРОПЫ**

(УЗБЕКИСТАН, КАЗАХСТАН, АЗЕРБАЙДЖАН)

**АВИАБИЛЕТЫ  
СО СКИДНОЙ, ПО ВСЕМУ МИРУ**



**Brooklyn, NY**

T: 407-722-0408

2667 Coney Island Ave Brooklyn, NY 11223

**Philadelphia, PA**

T: 267-731-1119

1825 Grand Ave Unit B. PA 19115

**Chicago, IL**

T: 708-252-2371

8920 S 49th Court, OAK Lawn, IL 60453



**Pera  
Cafe Lounge**

Every guest, who chooses  
Pera Cafe Lounge leaves happy!



2255 Emmons Av Brooklyn, NY

718 676 2992

Ўзбекистон талабалари ва олимлари уюшмаси IU World Fareда биринчи ўринни қўлга киритди



**Блумингдонда Индиана университетининг жаҳон кўргазмаси бўлиб ўтди. Анъанавий ўтказиб келинадиган IU World Fare кўргазмасининг олтинчи йилгисида 21 та талабалар уюшмаси иштирок этди.**

Мазкур халқаро кўргазмада турли мамлакат вакиллари ўз миллий қадриятларини, маданияти, урф-одатлари ва таомларини, рақсларини намойиш этишади. Ушбу тадбирда Ўзбекистон талабалари ва олимлари уюшмаси илк мартабага қатнашди. Уюшма аъзоларининг чиқишлари халқаро талабалар ва америкаликларда ўзбек маданияти ва Ўзбекистонга катта қизиқиш уйғотди. Ва албатта, ўзбекона буюмлар, ош, шунингдек, чойнак, пиёла, атлас, дўппи, бешик, елпиғич сингари миллий қадриятларимиз сингган буюмлар ташриф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотди. Ўзбекистон тарихи, тарихий қадамжолари ҳақидаги брошюралар Ўзбекистон талабалари ва олимлари уюшмаси томонидан барча тарқатилди.

Ўзбекистонлик талабалар ва олимлар, шунингдек, "Анджон полкаси" рақсини намойиш этишди, меҳмонларга чой, миллий таомлар ва мева-чевалар улашилди. Ўзбекистон талабалари ва олимлари уюшмаси мазкур кўргазмада биринчи марта қатнашганига қарамасдан энг яхши маданий намойиш номинациясида биринчи ўринни қўлга киритди. Бу уюшма аъзоларининг катта саъй-ҳаракатлари эвазига қўлга киритилди. Ўзбекистонни мана шундай тарғиб қилаётганимиздан фахрланамиз.

**НОВЫЙ ГОД 2013**

Дорогие выходцы из Средней Азии  
ПРАЗДНУЙТЕ С НАМИ

29 Декабря 2012 года в 7:30 вечера  
ресторан "НАЦИОНАЛЬ"

273 Brighton Beach Avenue, Brooklyn, NY 11235

Вас ждут заслуженные артисты Узбекистана, конкурсы, танцы и подарки!

718 864-5664

718 404-6581

347 596-9818

917 518-2116

ОРГАНИЗАТОР: центр "МУРУВВАТ" СПОНСОР: газета "ВАТАНДОШ"



## Нью-Йоркнинг энг даҳшатли узоқ туни

Октябрь ойи охирида АҚШнинг шарқий соҳилига келиб урилган "Сэнди" тропик бўрони сабаб 113 киши ҳалок бўлди, қурбонларнинг қиркдан ортиги Нью-Йоркда қайд этилган.



"Сэнди" жуда катта тўфон бўлиб, унинг диаметри ўртача 400-600 километри, шомолларнинг энг максимал ҳудуди 150-200 километр радиусни қамраб олди. Мазкур тўфон гарчи энг кучли тўфон бўлмаган эса-да, унинг кўлами катта бўлгани учун жуда катта ҳудудга таъсир кўрсатди.



Мэриленд, Массачусетс, Нью-Жерси, Нью-Йорк, Коннектикут, Пенсильвания, Род-Айлендда фавқулдда ҳолат эълон қилинди.



30-31 октябрь кунлари Манхэттен ороли материкдан тўлиқ ажралиб қолди, Нью-Йоркда 7 та метро сув билан тўлди.



АҚШ ва Канадада 15 мингдан ортиқ авиақатнов бекор қилинди, 8 миллиондан ортиқ хонадон электр энергиясиз қолди.

## Нью-Йоркда ҳам бензин тақчиллиги кузатилди



Нью-Йорк тарихидаги энг йирик тўфонлардан бири бўлган Сэнди оқиба-тида шаҳарда ижтимоий инфратузилма объектлари, шу жумладан, ёқилғи қўйиш шохобчалари жиддий шикастланган. Шаҳар бўйлаб барча бензин қўйувчи шохобчаларда бензин ҳали ҳам етишмаяпти. "РИА Новости"нинг ёзишича, шаҳарда дизель ёқилғисини топиш мумкин эди.

Бундай тақчиллик Нью-Йоркда истиқомат қилаётган ўзбекистонликларга ҳам жиддий қийинчиликлар туғдирди. Кундалик юмушларни бажариш учун транспорт хизматидан фойдаланмасликнинг иложи бўлмади. Шу боис штатдаги ватандошлар бир-бирларини қўллаб-қувватлаб, эҳтиёманд кишиларга бензин топишда яқиндан ёрдам беришган. Айрим ватандошларимизнинг айтишича, мана шундай оғир шароитларда бир-бирини қўллаб-қувватлаш туриш жуда муҳимдир.

Ўша пайтда Нью-Йорк ташқарисидаги ёқилғи қўйиш шохобчаларидагина бензин топиш мумкин эди. Уларда ҳам автомобиллар узундан-уzun навбат ҳосил қилган эди.

Бензин тақчиллиги йўлларда автомашиналар сонини кескин даражада камайтирган. Боз устига полиция Манхэттенга кирмоқчи бўлган машиналарга тақиқ қўйган. Шу боис ушбу районга кириш учун автомашинада камидан уч киши бўлиши талаб қилинар эди. Шу боис йўловчилар турли ижтимоий-тармоқлар орқали Манхэттенга отланаётганларни излашга, биргаликда битта машинада кетишга ҳаракат қилишган.

**Жўрақори Бўтакўз Андижон вилоятининг Дардоқота қишлоғида пахтачи Хусанбой хонадонидан 1926 йилда туғилган. 1936 йил ҳаж баҳонасида хорижга чиқиб кетган. Падали бузруквори Хусанбой қатагонга учрагач, оила аъзолари дастлаб Тожикистонга, ундан Афғонистонга ўтиб кетишди. Қобулда ўн-ўн икки йил яшади. Кейинчалик бу оила Покистонга кўчиб ўтди. Тақдир тақозоси билан Жўрақори Бўтакўзга ота юртига қайтиш бахти насиб этди. Саксон ёшни қоралаб қолган отахон бугунга келиб Тошкентда умргузаронлик қилмоқда.**

## Ватандин яхши ёр бўлмас...

Жўрақори Бўтакўз билан суҳбатимиз Ватан, Ватан соғинчи, Ватанга садоқат мавзусида бўлди.

**Жўрақори ака, Ватан туйғуси инсон учун энг ноёб ҳисобланади. Лекин "олдинда оқдан сувнинг қадри йўқ", деганларидек, ҳаммиса ҳам Ватаннинг қадр-қимматини билвермаймиз. Ватандан айрилиқда яшашнинг нималигини сиз яхши биласиз. Шу мавзуда ватанпарварлиқнинг мезонлари нима, деб ўйлайсиз?**

1950 йилда АҚШ ташқи ишлар вазирлигидан Мустар Оғиш имзосида бир хат келди. Хатда мухтарам Жўрақори, ўзингизда, ён-верингизда мухтож кишилар бўлса, шуларни ёзиб юборинг, биз ёрдам қилишга тайёрмиз, дейилган эди. Мен бу хатни олган даврда мухтож эдим. Шўро қувғинида бўлганим учун тўшагим ер, кўрпач осмон эди. Шу вақтда афсуски, фикрим очилмаган экан, мен ўзбек бўла туриб, бошқа бир юртдан ёрдам оламанми, ватанфурш бўлиб қолмайин, деган мулоҳаза билан ҳеч қандай ёрдам сўрамадим.

Дарҳақиқат, Ватан, миллат тўшунчалари шунчалар улўғки, уларга жонингни берсанг арзийди. Ҳаётим давомида, айниқса, мусофирликда доимо Ватан шайни баҳоли қудрат улўғлашга ҳаракат қилдим. Хуллас, дастлабки ишим Карочидан ўзбеклар пароканда яшашларини кўриб, "Туркий халқлар ёрдамлашма бирлиги" жамиятини тўздим. Шунда бир рисола ҳам чоп этиб, тарқаттирдим.

Бу рисолянинг моҳиятини англамаган кишилар, айниқса, айрим ватандошлар Пешоварда юз жилд, Равалпиндида эллик жилд китобларини ёқиб юборишди. Бу воқеага гувоҳ бўлган Абдулла Чигатой айни вақтда АҚШнинг Виржиниясида яшапти. Бу воқеага ҳам 55 йил бўлди.

Кейинчалик Туркиянинг Истамбул шаҳрида яшадим. 1955 йилда Истамбулнинг маркази "Чамбарли тош" мавзесида "Туркистон" номи шахсий меҳмонхона бор эди. Истамбулдаги ватандошлар турклашиб кетаятган экан. Мисол учун, физик-академик Саидали Анқара, профессор Иброҳим Ёркин, профессор Аҳмаджон Уқайлар турклашиб кетибди. Улар менга ҳам туркча гаплашинг, дейишди. Мен уларга турклар билан туркча, ўзбеклар билан ўзбекча

гаплашман, дедим. Ватандошларимнинг она тилини сақлаб қолиши учун бир китоб чиқаришни ният қилдим. Шу ерда Аҳмад Закий Валидийнинг "Туркистоннинг яқин тарихи" китоби қўлимга тушиб қолди. Китобда атоқли ёзувчи Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" даги Отабек ва Кумуш суҳбатлари ҳақида гап боради. Аҳмад Закий Валидийдан "Ўткан кунлар" романини олиб ўқидим. Китобдаги ўзбекона руҳдан таъсириландим. Шу китобни чоп қилиб тарқатиш фикрига келдим. Афсуски, бу китобни Истамбулда чиқариб бўлмади.


Маълумки, чет элдаги ватандошлар араб имлосини билишарди. "Ўткан кунлар" ни чиқаришимга яна бир туртки шу бўлдики, Истамбулдаги Боязид кутубхонасида қўлимга 1958 йилда Ўзбекистонда кирилл алифбосида нашр этилган "Ўткан кунлар" тушиб қолди. Ўқидим. Қарасам, китобнинг энг асосий жойлари - жавҳарлари олиб ташланибди. "Ўткан кунлар"нинг 1926 йилда Самарқандда чиққан нашрини бостирмасам бўлмас экан, деган қарорга келдим.

Ватаннинг учун каттароқ пул кераклигини билиб, бистотимдаги меҳмонхонани сотдим. Истамбулдан чиқиб, босмахона излаб бутун араб давлатларида бўлдим. Кейин Эронга бордим. Бу ерда ҳам босмахона тополмай Покистонга келдим. Покистонда ўзбекча арабий ҳарф йўқлиги учун Фарбий Германиядан қолипни олиб келдим. У ерда босмахона ишчисига шогирд тўшдим. Ҳарф тегишни ўргандим. Китобни тайёрлаш жараёнини фақат ўзим бажардим. Ушанда покистонликлар мазкур китобни бу одам роса қиммат сотса керак, деб ўйлашди. Хатто баъзилари, Жўра ака, бу китобнинг ҳар бирини қанчадан сотасиз, деб сўрашди. "Бу китобни пулга сотмайман, текинга тарқатаман", - дедим. Улар нечук, дейишди.

Бунинг биринчи сабаби шуки, менинг хорижда яшаётган миллатдошларим ўз она тили ва маданиятидан узоқлашиб борапти. Мен шунинг учун текинга тарқатаман, ўқишни билмаганларга ўқишни ўргатаман, деб жавоб бердим. Китоб чиққандан кейин Покистон,

Арабистон, Туркия давлатларидаги ўзбекларга китобни тарқатдим. Ўқишни билмаганларга ўқишни ўргатдим.

1959 йили Саудия Арабистонига бориб китобни тарқатдим. Шу ердаги ватандошларга Хамза Ҳакимзода Ниезий қаламига мансуб "Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари"нинг радиоинцендировкасини кўйдим. Ватанга зор бўлганларга ўзбек адабиётини таништирдим. Ватандошлар тўйларда, маросимларда ўша пьеса ёзилган тасмаларни кўйишарди. Ойбекнинг "Навоий" романини Мўминжон Андижоний деган ватандошимиз араб имлосига ўтказди. Шу ҳаракатларимдан кейин Саудия Арабистонидаги Вали Қаюмхончилар "бисмиллосин" йўқ китоблар қилмасин", бундай китоб турган уйга фаришта қирмайди, бу ҳаракатлар шўроларники, советлар орқамиздан таш-



яти борлигини билдим. Мен 1961 йилларда "Ватандош" радиосини эшитардим. Шу эшиттиришларни тинглаб, кўп сазъ-ҳаракатлар қилиб, 1966 йилда Ўзбекистонга келдим. Маданий алоқаларим натижасида виза олдим. 1966 йилда Тошкент зилзиласида шу ерда эдим. Салкам икки ой юриб, яна қайтиб кетдим. 1969 йилда яна келдим. Уша пайтдаги "Дўстлик" жамиятига катта муҳаррир қилиб, ишга олиндим. Шу пайтга қадар ҳар 15 кунда КГБ (давлат хавфсизлик қўмитаси)дан бир киши мени чақирарди. У ёқ-бу ёқдан суҳбат қилинарди. Мақсади - мени бир гапга

шўролар юртига бординг, деб сўроқ қилишарди. Мен уларга она Ватанимдан хабар олиш учун борганим дердим... Яна савол бўларди, модомики, шундай экан, нима учун бизни хабардор этмасдан кетдинг.

У Ватан менинг Ватаним, у сизники эмас, сиздан руҳсат сўрасам, борманг, дейишингиз аниқ эди. Мен Ватанимга бормай туришим мумкинми, деб жавоб берардим.

Ўзбекистон озод бўлишдан сал аввал шўрога яқин одамлар шўроларнинг йўғиб кетган осори-атикаларини чет элга мунтазам сотиб туришди. Истамбулда бундай моллар тўлиб кетди. Одамлар шундай ишларни қилаётган бир пайтда мен ҳазрат Алишер Навоийнинг хатотлар шайхи Султонали Машхадий қалами билан Самарқанд ипак қоғозига Навоий ҳаёт давридаёқ кўчирган "Ҳазойин-ула маоний" (Чор девон)сини Тошкентга олиб келдим. Маълум миқдордаги рамзий пулга Шарқшунослик институти профессори Убайдулла Каримовга топширдим. Шунингдек, уларга бир "Ҳамса" ҳам топширдим.

Бугунги кунда истиқлол шарофати билан чинакам миллатпарвар, юртсевар инсон мухтарам Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида мамлакатда кенг қўламли ишлар олиб бориляпти. Ватанпарварлик тўғриси, эл-улуссеварлик, ўзбекиона иймон этиқодимиз бизни шу йўлдан оғишмай юришимизни талаб қилади. Адашмасдан, тўғри йўлда юриб, ривожланишимиз, берилган ушбу бебаҳо фурсатни ганимат билиб, қўлимиздан келган ҳар бир қонуний ҳаракатни қилишимиз ҳам фарз, ҳам қарз. Одамийлигимиз, ватанпарварлигимиз шунда кўринадим.

**Абдумажид АЗИМОВ**  
ёзиб олди.  
"Моҳият" газетасидан  
олинди.

**“Менинг хорижда яшаётган миллатдошларим ўз она тили ва маданиятидан узоқлашиб борапти.”**

викот китоблари, агентлари орқали иш олиб борапти, деган гапларни тарқатишди. Яхшиямки, шу воқеалар бўлишни олдиндан билгандай, "Ўткан кунлар" романи биринчи бетидеги "Бутун дунё йўқсуллари бирлашингиз" деган жумлани олиб ташлаб, "Бисмиллохир раҳмонир раҳийм" иборасини қўйган эканман. Булар барибир гулу қилиб, мени бир ой ичда Саудиядан чиқаришга эришишди. Яна Истамбулга қайтдим. Истамбулда ҳам юқорида айтганим профессорлар мени сиёсий бўлимга чақиб беришди. Сиёсий шўбага чақириб, ўртаимиздаги ихтилофни сўради.

Бу профессорлар миллатчилик деб ўзининг шахсий ҳаётини тўшунди. Мен эса ўша тилим учун курашапман, деб жавоб бердим.

Ўтган асрнинг 60-йилларида Шўро давлатига, айниқса, Ўзбекистонга четдан ватандошлар умуман қўйилмасди. Ўзбекистон чет элда "темир парда" ичидеги ўлка деб аталарди. Шу йилларда Ўзбекистон "Дўстлик" жами-

интириб, балога гирифтор қилиш. Ишонасизми, шу суҳбатлардан кейин уч кун ўзимга кела олмасдим. Чет элда юриб, шўрога қарши курашиб юрсам бўларкан, деган хаёлларга ҳам бордим. Ўн етти йил аҳвол шундай давом этди. Ўн етти йилда ўн етти марта чет элга қайтиб кетиш учун ариза бердим. Аризам ҳар гал рад этиларди. Ҳар йили битта ариза ёзишга ҳаққим бор эдим. Охири 17 йилдан кейин профессор Воҳид Зоҳидов сизни Афғонистонга юборсак, нима манфаати бор, деди.

Жуда яхши манфаати бор, дедим. У ердаги ватандошларнинг ўн етти йил шўроларда яшаб, соғ-саломат келибди, дейишининг ўз катта гап. Шундан кейин Афғонистонга бордим. Лекин оила, бола-чақам Тошкентда қолгани учун яна қайтишга мажбур бўлдим.

Хулоса шуки, ўша йилларда мен ўзимни ўй қамовида ҳис қилиб яшадим. Кейин Истамбулга бордим. У ерда мени турклар 1983 йили қамоққа олишди. Зиндондан кечаси олиб, нега

Center for American Progress ташкилоти америкалик миллиардерлар Майкл Блумберг ҳамда Руперт Мюрдок томонидан таъсис этилган Partnership for a New American Economy ташкилоти иштирокида таҳлил ўтказди. Ушбу таҳлилда бундан 11 йил муқаддам сенатор-демократ Дик Дурбин ҳамда унинг ҳамкасб республикачилар партияси вакили Оррин Хатч томонидан ишлаб чиқилган ва Конгрессга тақдим қилинган Dream Act, яъни "орзу қонуни"ни қабул қилиш билан боғлиқ омиллар кўрсатиб ўтилади.

## Миллиардерлар "Орзу қонуни"ни қабул қилиш тарафдори

Маълумки, Обама томонидан ҳам қўллаб-қувватланган, ammo Конгресс томонидан рад қилинган мазкур қонун лойиҳаси Америкага келиб қолган ноқонуний иммигрантлар фарзандларига қонуний мақом беришни кўзда туттади. Яна бир жиҳат ҳам борки, ушбу экспертлар томонидан тайёрланган хулосалар нафақат либераллар томонидан, балки NewsCorp компанияси эгаси, The Wall Street Journal, The New York Post сингари консерватив газеталар ношири, иммиграция масалаларида ўзининг ўнг қарашларини яширмайдиган Руперт Мюрдок томонидан қўллаб-қувватлангани эътиборга моликдир.

Маълумки, Обама маъмурияти шу йилнинг 15 сентябридан ноқонуний иммигрантлар фарзандларини депортация қилишни икки йилга тўхтатиб, уларга қўшимча имкониятлар ярати берди. Ammo Center for American Progress бу қонун

лоийҳаси нафақат ноқонуний иммигрантларга, балки АҚШ иқтисодиёти учун ҳам ўта долзарб аҳамиятга эга ҳужжатлардан бири эканлигини қайд этишади.

Хусусан, мана шу гуруҳга олий маълумот олиш ҳамда ишга жойлашиш имкониятининг яратиб берилиши Америка газнасига сўнгги йигирма йил давомида 329 миллиард доллар келтиради. Айнан мана шу қонуннинг қабул қилиниши натижасида Америка меҳнат бозорига қўшимча 1,4 миллионга иш ўрни пайдо бўлади.

Мазкур ташкилот, шунингдек, иммиграция билан бевосита боғлиқ яна бир қатор қонун ҳужжатларини қабул қилиш керак, деган хулосага келган. Уларнинг фикрича, бу математика, физика, химия, биология, янги технологиялар соҳасида таҳсил оладиган талабаларнинг Америка ташриф буюриши ни рағбатлантиради.

— Мазкур ҳисобот Аме-

рика иқтисодиётига иммигрантларнинг улкан таъсири борлигини тасдиқловчи назарий тасдиқдир, — деди Блумберг. — Бошқа мамлакатлардаги юксак билимли ёшлар Американинг дунёда барча соҳаларда ўз етакчилигини сақлаб қолиши учун айти заруратдир".

Шуни алоҳида қайд этиш кераки, Америкадаги олий таълим муассасаларини таомлаган талабалар, ёш олимларга грин-картани бирмунча соддалаштирилган тартибда тақдим этиш бўйича ташаббус илгари сурилган бўлиб, бундай ҳужжат STEM Bill деб ном олган. Бу ҳужжатни вакиллар палатасининг юридик қўмитаси раҳбари Ламар Смит ишлаб чиққан бўлиб, унга кўра, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатга 55 минг нафардан ортқ мутахассис ва профессионаллари жалб қилиш имконини беради. Эътиборли жиҳати, ноқонуний иммигрантларга



қарши жиддий чоралар кўриш тарафдори бўлган Митт Ромни ҳам Смит ташаббусини қўллаб-қувватлаган. Ушбу лойиҳанинг ўзига хос жиҳати шундаки, Смит амалдаги грин-карта лотереясини бекор қилишни кўзда туттади.

Сенатор Чарльз Шумер ва конгрессмен Зои Лофгрэн томонидан ишлаб чиқилган BRAIN Act қонуни лойиҳаси чет эллик мутахассис ва профессионалларга тақдим этиладиган грин-карталар созини икки йилда 100 минг нафарга кўпайтиришни кўзда туттади. Смит қонунидан фарқли ўларок, ушбу ҳужжат амалдаги грин-карта лойиҳасини бекор қилишни назарда тутмайди.

Crain's New York Businessдаги мақолада қайд этилишича, Америка иммиграция сиёсатини янада такомиллаштириши керак. Чунки

қўллаб-қувватлаб қилиш имконияти чеклангани боис ўқиш учун бошқа минтақаларни танлашга мажбур бўлишади. Масалан, Нью-Йорк бизнес ва ҳукуматнинг саъй-ҳаракати билан кўпчилик учун имкониятлар шаҳрига айланади. Афуски, амалдаги иммиграция қонунчилиги бу имкониятларни қарийб йўққа чиқармоқда. Айниқса, қўллаб-қувватлаш имконияти бўлмаганда, компаниялар ўз кадрлар базасини мустақамлашда жиддий муаммоларга дуч келишмоқда. Биргина Tumblr компанияси ўзига сув ва ҳаводек зарур бўлган мутахассисга визани расмийлаштиргунча 9 ой ўтиб кетади.

Нима бўлганда ҳам, Америкада сиёсий доираларида иммиграция масаласида яқин келажакда бир қатор ўзгаришлари юз бериши турган гап.

## Марказий Осиёда

### Қозоғистонликлар энг кўп ичишади

Қозоғистон Марказий Осиёда алкоголь маҳсулотлари истеъмолчи бўйича биринчи ўринда туради. Бу ҳақда Соглом турмуш тарзини шакллантириш миллий маркази директори Жамилия Баттакова маълум қилган.

"Ҳақон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, Қозоғистонда ҳар бир кишига ўртача 10-12 литр спирт тўғри келади. Бу қўшни мамлакатлар — Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Ўзбекистонда бир неча баробар камдир", дейди у, жумладан.

Яқинда ўтказилган сўровларга кўра, қозоғистонликларнинг 35 фоизи алкоголь маҳсулотлари истеъмол қилишади. 17 фоизи меъеридан ортқ ичишар экан. Мамлакатда акция солигини ошириш орқали бу иллатга қарши курашилаётган бўлса-да, яхши натижа беряпти, деб бўлмайди.



Пуэрто-Рико АҚШнинг 51-штати мақомини олиши мумкин. Бу ушбу ҳудудда бўлиб ўтган референдумдан сўнг маълум бўлди.

## АҚШнинг 51-штати пайдо бўлади

Шу пайтга қадар Пуэрто-Рико АҚШнинг автоном ҳудуди мақомига эга бўлиб, бу ўзгаришлар икки босқичли референдумлар жараёнида аниқланди. Аввалига ҳудуд аҳолиси архипелагининг сиёсий мақомини ўзгартиришга қарор қабул қилишган бўлишса, кейинчалик улар янги сиёсий бошқарув учун овоз беришди.

Пуэрто-Риконинг АҚШнинг 51-штатига айланиши ҳудуд аҳолисининг 61 фоизи қўллаб-қувватлаб овоз берган. 33 фоиз сайловчилар эса архипелагга АҚШ билан иттифоқдош суверен уюшган давлат мақомини бериш тарафдори бўлишди. Бор-йўғи беш фоиз сайловчилар ҳудуднинг мутлақ мустақил бўлишини қўллаб-



қувватлашди.

ББСнинг ёзишича, архипелагининг тўлиқ штат сифатида АҚШ таркибига қўшилишини Конгресс тасдиқлаши керак.

Пуэрто-Рико Америкага 1898 йилда қўшилган бўлиб, 1947 йилдан ҳудуд аҳолиси ўз губернаторини сайлаб келади. Гарчи ҳудуд эркин уюшган давлат мақомига эга бўлса-да, Оқ уй уни бошқаришда фаол қатнашиб келади.

Пуэрто-Рико аҳолиси

АҚШ паспортига эга бўлса-да, барча сайловларда қатнашиш ҳуқуқига эга эмас эди. Мана шу ҳуқуқни қўлга киритиш билан бирга, Пуэрто-Рико федераль солиқларни тўлаши керак бўлади. Ваҳоланки, улар бундан озод қилинган эди.

Республикачилар Пуэрто-Рикога штат мақомини беришга қарши. Уларнинг фикрича, ушбу ҳудудда инглиз тили билан бир қаторда испан тили давлат тили эканлиги яхши эмас. Қолаверса, штат мақомини олган, Пуэрто-Рикога Конгрессдан олтига жой ажратилади. Бу бошқа штатлар ҳисобига амалга оширилиши ҳам республикачилар гашига тегмоқда.

# Савоб ишни ҳар ким ҳар кун қилиши керак

**Шундай инсонлар борки, улар умрини эзгу амалларга, хайрли ва савобли ишларга бағишлашади. Самарқандлик Мунира Маҳмудова ва унинг бир гуруҳ дўстлари ана шундай кишилардан.**

**Улар Нью-Йоркда яшаб туриб, ҳамюртларига яқиндан ёрдам қўлини чўзиб келишмоқда. Мунира опа эҳтиёжманд ватандошларимизга яқиндан ёрдам бериб, кўплаб кишиларнинг кўнглини хушуд айлаб келишар экан. "Ватандош" газетаси жамоатчи мухбирининг Мунира Маҳмудова билан суҳбати айнан шу ишлар хусусида борди.**

**- Мунира опа, аввало, фаолиятингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.**

- Мен Самарқанд шаҳрида таваллуд топганман. Кўп йиллар шифокорлик қилганман. Ҳозирда Нью-Йоркда "Light of Hope. Inc" фирмасини ташкил қилиб, тўрт йилдан бери ногиронларга, беморларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиб келамиз...

**- Бу ёрдамлар ҳақида батафсил тўхталсангиз.**

- Утган давр мобайнида шахримиз ногиронларига ва ижтимоий ҳимоя муҳтожларнинг бир қисмига ногиронлик аравачалари, турли асолар, болалар аравачалари, тўшакка ётиб қолган касаллар учун тиббий ва санитария воситалари, ногиронлар, ўзи ҳаракат қила олмай диганлар учун турли тиббий воситалар, шу жумладан, тиббий кўрпа, кислород ёстиқлари ва балонлари ҳамда дори-дармонлар жўнатиб келамиз.

**- Шу ўринда мана шундай кўмаклар қандай etkazилаётгани хусусида ҳам айтиб ўтсангиз.**

- Бизга кўплаб ўзбекистонликлар мана шундай беравз юкларни ўз эгаларига etkazишда яқиндан ёрдам беришади. Улар тегишли воситаларни йиғиш, жойлаш, қадоқлашга яқиндан кўмаклашади. Албатта, аввалига бу ишларни амалга оширишда турли қийинчилик ва муаммолар пайдо



бўлганди. Чунинки, юқорида кўрсатиб ўтилган буюмларни йиғиш, ташкил, уларни жойлаштириш, омборхона топиш, сифатини бўзмаслик қадоқлаш керак бўлиб қоларди. Замирида савоб иш ётмайди? Ишимиз ҳақида эшитиб, кўплаб кишилар бизга яқиндан ёрдам берадиган бўлишди. Омборхона ни арзон нархда ижарага олдик, ёрдамчи йигит-қизларимиз сони 3-4 кишидан 20-25 нафарга кўпайди. Ишимизда самарадорлик ортди. Йигитларимиз юкларни ўз машиналарида аэропортга элтишади, у ердан терминалга тушириб, масъулларга топширишади.

Бу эзгу ишларни амалга оширишда Ўзбекистон Рес-

публикасининг Нью-Йоркдаги Бош консули Дурбек Амановнинг хизматини алоҳида айтиб ўтишни истардим. У билан бўлган мулоқотимиздан сўнг, жўнатиладиган юкларимизни расмийлаштиришни, "Ўзбекистон ҳаво йуллари" МАК орқали бепул Ўзбекистонга олиб бориш, давлат божларидан озод қилиш ва бошқа расмий ишларни амалга ошириш учун Ўзбекистон ҳукуматида мурожаат қилиб, ишимизни жуда ҳам энгиллаштиришда катта ёрдам берди. Натихада, ҳар бир жўнатаётган юкларимиз ҳажми 2-3 тоннани ташкил қилмоқда.

Мен фурсатдан фойдаланиб Бош консулга ва бизга яқиндан ёрдам бераётган бarchа ташкилот ва муассаса-

ларга ўз ташаккуримни айтишни, қолаверса, шу ёрдамлар етиб бораётган минглаб оилалар дуоси ва раҳматини etkazишни истардим.

Базан бизнинг ёрдамдан баҳраманд бўлаётганлар миннатдорлигини кўриб, ниҳоятда қувонамиз, қилаётган ишимиздан қониқамиз, барча муаммо ва қийинчиликлар ёддан кўтарилади. Масалан, самарқандлик меҳнат фахрийси, тўқсон ёшни қоралаган отахона Абдуҷаббор Абдуқаҳоров икки йилдан бери қаттиқ касаллик чалинганман, дейди. "АҚШдаги ватандошларимиз томонидан менга икки хил ногиронлик аравачалари, ҳожат чиқарувчи мослама etkazилди. Улардан фойдаланардим, лекин бир йилки, тушакда ётиб қолдим, уйдагилар менга қарашаяпти, шу билан бирга, мени ҳар ой гигиеник воситалар билан таъминлаётдилар. Шу ишни қилаётганларга минглаб раҳмат, қўллари дард кўрмасин, меҳнатларининг роҳатини кўрсин, доимо соғ юрсинлар, менга ва менга ўхшаган ногиронларга ёрдам қўлини чўзган ватандошларни ва мутасаддиларни кўл очиб, дуо қилман", деб ёзиб юборибдилар ўз мактубида.

**- Мунира опа, юборилган юкларни "Ўзбекистон ҳаво йуллари" компанияси Самарқанд аэропортига etkazиб беради. Кейин бу юклар қандай беморларга тарқатилади?**

- Ёрдам юклари Самарқанд аэропортидан кейин шаҳардаги омборхонага жойлаштирилади. Уша омбордан беморлар ва ногиронлар мурожаатига кўра, шифокор тавсияномаси асосида бепул уйларига etkazиб бери-

лади. Утган давр мобайнида Афғонистон уруши қатнашчиларига, "9-Меҳрибонлик уйи" тарбияланувчиларига, руҳий касалхона беморларига, шаҳарда муҳтож оилаларга, Тошкент, Бухоро ва Чирчиқ шаҳарларидаги эҳтиёжманд кишиларга ёрдам қўли чўзилди. Ҳозирда эса Самарқанд вилояти Оқдар туманидан мурожаат қилган бир гуруҳ ногиронларга ёрдам кўрсатиш назарда тутилган бўлиб, тайёргарлик кўриломоқда.

**- Мунира опа, кўп савоб ишлар қилаётган экансизлар, бу ишларни келгусида кенгрок ёйишингизга тилакдошимиз. Режаларингиз тўғрисида ҳам айтиб ўтсангиз.**

- Савоб кўп тармоқли иш. У ҳеч қачон тўхтаб қолмайди. Бировга яхшилиқ қилган, бировнинг ҳожатини чиқарган, бемору ногиронлар, кексаю қарияларнинг дуосини олган, кўпнинг хизматида бўлган муқофотини ва ажримини Худодан олади, дейди халқимиз.

Насиб бўлса, бу хайрли ишларимизни давом ettирамиз ва кенгайтирамиз. Чунинки, 2013 йил март ойида ўн нафар 10-16 ёшли кулоғи яхши эшитмайдиган болаларни Нью-Йоркдаги касалхоналарнинг бирида текширтириб, уларни тегишли эшитиш воситаси билан таъминлашни режалаштирардим.

Биз ҳам Мунира Маҳмудовани бундай эзгу ишларида кўплаб-қувватлаб, савоб ишни ҳар кун қилишга барча ватандошларимизни чақириб оламиз. Зотан, бундай эзгу амаллар беиз кетмайди.

**Амиддин  
Фазлиддинзода.**

**Бу ерларда, яъни Америка Қўшма Штатларида турли миллат вакилларини учратасиз. Лекин Ўзбекистон ва ўзбеклар тўғрисида жуда кам кишилар билишади. "Ўзбекистонданман" десам Покистонни, деб сўрашади. Фикримча, бизнинг Ўзбекистонимиз Америкаликлар учун ҳали янги мамлакат. Биз уларга ўзбек деган миллатни танитишимиз, танитганда ҳам фақат яхши таассурот қолдиришимиз лозим, деб ўйлайман. Менинг бу ердаги фаолиятим давомида ҳар доим мана шу нарса диққат марказимда туради.**

## Биз ўзбеклармиз ёхуд сиз нима дейсиз?

Қисқача ўзим ҳақимда: тақдир тақозаси билан бир неча йиллардан бери Қўшма Штатларда, аниқроғи, Чикаго шаҳрида яшайман.

Маълумки, бировга бирор яхшилиқ қилсангиз ҳам, ёмонлик қилсангиз ҳам ёдида қолади. Ва қизиқиб ўша одамнинг кимлиги суриштирилади. "Биринки мингта, мингинки туманга" деган мақол бор. Ўзбеклар меҳнаткаш, очикқўнғил халқ. Жуда кўпчилик ватандошларимиз ўзларининг ижобий томонлари билан америкалик-

ларга танилаётганликларига шубҳам йўқ.

Яқинда бир нохуш хабар эшитдим. Қайси бир штатда бир ўзбек аёли касал-қарияга (Caregiver) қараш ишида экан. Шу уйда ёнғин содир бўлибди. Воқеадан биринчи бўлиб хабар топган ўзбек аёли барча оила аъзоларини уйғотибди. Ўзи эса ҳалиги касал қарияни кўтариш учун ҳаракат қилибди. Қолган оила аъзолари омон чиққан бўлсалар-да, ҳалиги аёлнинг ўзи қаттиқ куйибди ва натижада оғир аҳволда шифохонага

ёткизилибди. Ушбу хабарни эшитиб миллатдошимизга астойдил ачинган бўлсам-да, иккинчи тарафдан ўзимда фахр туйғусини туйдим.

Афсуски, гуруҳ курмасиз бўлмаганидек, баъзи ҳамюртларимизнинг салбий қилмишлари ҳақида ҳам эшитиб қоламиз. Бир воқеани яқинда эшитдим. Америкадаги қайси бир қорхонада бир неча ўзбек ишларар эканлар. Улардан бир-иккитаси ишга келишиб, кириш ва чиқиш вақтини қайд қилишар экан-



лар-у, ўртада яшириниб, ишларамасдан ўтказишар эканлар. Ҳатто баъзи вақтлар келмай қолган бировларини ўрнига бошқалари келган-кетган вақтини киритиб қўйишар эканлар. Бундан хабар топган қорхона маъмурияти уларни ишдан ҳайдабди. Натихада ўзбеклар ўртасида жанжал чиқибди. Бирови бошқасининг бошига темир билан урибди. Ниҳоят шундай бўлибдики, бирини тез ёрдам, иккинчисини полиция олиб кетибди. Қорхона эгаси бундан кейин


ўзбек бўлса, менга олиб келманлар, дебди.

Бошқа бир мисол. Бу воқеа Нью-Йоркда бўлган экан. Бир ўзбек қиз чақалоққа қарар экан. Чақалоқ нимагадир ҳар доим жимгина ухлаб ётар экан. Онаси бундан хавотирланиб боласини текширтганда шу нарса маълум бўлибдики, ҳалиги энага қиз унга уйқу дори бериб қўяр экан.

Онда-сонда бўлсада миллатдошларимиз тўғрисида мана шунанга ёмон гапларни эшитганда хафа бўлиб кетасан, киши. Ҳатто ўзбекман, дейишга тилинг бормай қолади.

Ўйлаб-ўйлаб ушбу мавзунини "Ватандош" саҳифасига олиб чиқишни лозим топдим. Миллатдошларимиз ҳақида ҳар доим ижобий гапларни эшитсам, дейман. Токи ҳар биримиз бу ерларда "Биз ўзбеклармиз", деб фахрланиб юрайлик. Шундай эмасми? Сизлар нима дейсизлар, азиз ватандошлар?

**Олим Шарипов,  
Чикаго шаҳри.**



**Жерар Депардьё ўзбек фильмида суратга тушади**

**Машҳур франциялик киноактёр Жерар Депардьё ўзбек фильмида суратга тушади. Бу ҳақда Тошкент "Олтин гепард" халқаро кинофоруми директори, академик Акбар Ҳақимов Ўзбекистон маданият ва спорт ишлар вазирлиги жамоатчилик кенгаши мажлисида маълум қилган.**

"Олтин гепард" кинофестивалида номзод фильмларнинг сифатига катта аҳамият берилаётгани, нуфузли журилар фаолияти ташкил этилгани, қолаверса, фестивал дунё кино юлдузларининг таклиф этилгани ўзбек кино санъатига бўлган қизиқишни ошириб юбормоқда.

"Буларнинг барчаси ўзбекистонлик киноижодкорлар билан ҳамкорлик лойиҳалар амалга оширишни истаган хорижлик ҳамкорлар салмоғини кенгайтирди. Жерар Депардьёнинг ўзбекистонлик кино иждоқорлари томонидан суратга олинadиган фильмлардан бирида суратга тушишга розилик бергани буни тасдиқлайди", деб хулоса қилди академик Акбар Ҳақимов.

Ҳозирча ушбу фильм тафсилотлари ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тоҳир Содиков қисқа саволларимизга жавоб берди. Бу қайсидир маънода хонанданинг бошқаларга маълум бўлмаган қирраларини очишга хизмат қилган бўлса ажабмас...**



**Тоҳир Содиков: микрофон ушлаганларнинг барчаси ҳам менга ҳамкасб эмас!**

- **Фарзандларингизга қандай отасиз?**
- Қизларимни эрқалатаман. Уларга умуман қаттиқ гапирмайман. Уғлимни эса эрқалаш билан бирга, бироз уришиб ҳам тураман.
- **Ўзингизни фарзанд сифатида таърифланг?**
- Фарзанд сифатида меҳрибон ва ғамхўрман деб бемалол айта оламан.
- **Қандай дўстсиз?**
- Мен дўстларим учун чин маънода ҳақиқий дўст бўла оламан. Ким биландир дўст тутиндимми, демак, бу у умрлик!
- **Ука сифатида ўзингизни қандай баҳолайсиз?**
- Оилада энг кенжаси бўлганим учун доим эрка ука

- бўлганман. Ҳалигача шу эркатойлигим бор.
- **Бировга душман бўлиб қолсангиз?**
- Бировга душманлик қилиб орқадан ёмонлик қиладиган одатим йўқ. Агар рақибларим менга ёмонлик қилишса, ўша вақтнинг ўзида жавоб қайтаришим мумкин. Аммо шу кунгача у қабиларни Худога солиб келаялман.
- **Рақиб сифатида ўзингизга қандай қарайсиз?**
- Мен учун ҳамма рақиб. Барча билан соғлом рақобат олиб бораман.
- **Қандай ҳамкасбсиз?**
- Саҳнада кўлига микрофон ушлаганларнинг барча-

- сени ўзимга ҳамкасб деб билмайман. Ўзининг истеъдоди билан машҳур бўлганларгина мен учун ҳамкасб. Уларга доим хурмат билан муносабатда бўлганман.
- **Устозлик борсизми ўзингизни қандай баҳолайсиз?**
- Шогирдликка лойиқларга устозлик қиламан. Шогирдларим учун ўта талабчанман. Ҳеч бир шогирдим мени юзминни ерга қаратмаган. Шунинг ўзи катта гап.
- **Шогирдликда-чи?**
- Ўзимни яхши шогирд бўла олганман деб ҳисоблайман.

**Алия ТУЛЕМБАЕВА сўхбатлашди.**

WWW.UZFILMS.TV

Universal Online Portal

WWW.UZFILMS.TV

Contact us: (347)-699-0333

Онлайн Ўзбек Кинолар

24/7 Online 2012

Чат, форум, знакомства звезды, игры, мультики ТВ и радио и многое другое забавное

shavkatjon05@mail.ru

**Россияда иш берувчилар мигрантлар учун тиббий суғурта харажатларини ҳам қоплайди**

Россия ҳукумати қонуний мигрантларни ёллаган иш берувчилар томонидан тўланадиган суғурта тўловлари миқдорини белгилаш бўйича иш олиб бормоқда. Бу ҳақда Россия Федерацияси Бош вазирининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Ольга Голодец маълум қилган.

Унинг сўзларига қараганда, Россияда ишлайдиган мигрантларга ҳам ушбу мамлакат тиббий хизмат стандартлари жорий этилиши керак. "Жуда кўп эшитаман: нима учун биз буни қилишимиз керак? Нега биз улар учун харажат қилишимиз шарт?", дея аюҳаннос солишади. Ваҳоланки, улар ўзлари жалб қилган мигрантнинг соғлиги хусусида ҳам қайғуришлари керак", деди у, жумладан.

Москва шаҳар мэри Сергей Собяниннинг айтишича, 2013 йилдан бошлаб иш берувчилар мигрантлар тиббий суғуртаси учун тўловлар-



ни махсус фонд ҳисоб-рақамига ўтказишлари шарт. Мазкур суғурта тўлов суммаси ҳозирча аниқ эмас. Шунинг эслатиб ўтиш кераки, Россия тиббиёт тизими ходимлари мигрантларга фақатгина тез тиббий

ёрдамни кўрсатишга ҳақли. Бундан кейин бемор ўз ватанига қайтиб, соғлигини тиклаши керак бўлади.

Қисқа қилиб айтганда, мазкур қарор миллионлаб мигрантлар учун айтилган муд-дао бўлиб хизмат қилади.

## Халит Эргенч — Султон Сулаймон: "Тошкент аҳолисининг бунчалик меҳмондўстлигини тасаввур қилмагандим"

8 октябр куни "Guli" кечаси бўлиб ўтганлиги муносабати билан Тошкентга ҳозирда кўпчилик қизиқиш томоша қилаётган "Мухташам аср" тарихий сериалининг бош қахрамони Султон Сулаймон - Халит Эргенч ташриф буюрди. Унинг ташрифи кўпчиликни қизиқтириб қўйганлигини ўтирганларнинг нигоҳидан сезиш қийин эмасди. У Guli'нинг янги кашфиёти GULI VICTORIOUS эркаклар ва GULI MYSTERIEUSE аёллар атирлари премьерасида ҳам иштирок этди.

- "Мухташам аср" сериали эфирга узатила бошлагандан буён турли танқидларга, шов-шувларга сабаб бўляпти. Халит, сиз бу борада нима дея оласиз?

- Аввало, биз ҳужжатли фильм эмас, сериал суратга оляемиз. Мана шу нарсани сериал бошиданок ёдда тутиш лозим. Тўғри, сериалнинг кўпгина воқеалари ўйлаб топилган, бироқ яна кўп жойлари ҳақиқат эканлигини ҳам рад этолмаймиз. Хар бир саҳнани суратга олишда тарихий маълумотларни чуқур ўрганишга ҳаракат қиляемиз. Шунингдек, сериалдаги воқеалар хронологик жиҳатдан тартибли кетяпти. Хар бир тарихий аҳамиятга эга бўлган жойларни бизга Эрхан Афионду билан Дениз Эсемели махлаҳат беришяпти. "Мухташам аср" сериали турк сериаллари орасида ўз ўрнига эга бўлиб улгурди ва шунинг учун ҳам турли танқидларга учраши табиий. Одамларни хар доим нимадир аниқлик ва ўзига хошлик безовта қилган. Мен бизнинг бу сериалимиздан сўнг яна кўп тарихий воқеаларга асосланган фильмлар, сериаллар, лойиҳалар юзага келишига ва улар "Мухташам аср" сериалидаги хатоларни такрорлашмаслигига ишонаман. Биз ўзимизни тарихий шахсларга деяр оламиз. Шунча танқидларга қарамадан бу сериал бошқа лойиҳаларга асос бўлишини ўзи мени қувонтиради.

- Шундай буюк тарихий шахсни ижро этиш қандай экан? Сулаймон ролини ижро этишда қандай қийинчиликларни енгиб ўтишингизга тўғри келди?

- Энг қийини бугунги кунга қадар кўпчилик тарихий шахсларни ижро этилганлигидея эди. Турли адабиётларда ва тарихий маълумотларда Султон Сулаймон ҳақида ўқиган бўлишимга қарамадан у ўзини ҳаётда қандай тутганлигини, қандай гапирганлигини, ўз ҳис туйғуларни қандай бошқарганлигини, юриш-туришларини аниқ ҳеч ким билмасди. У бизнинг юракларимизда буюк шахс сифатида гавдаланарди, холос. Шунинг учун ҳам актёрларнинг елкасида

жуда катта масъулият бор эди. Ахир одамларнинг тасаввурларини биргина ноўрин ҳаракат билан бузиб қўйиш мумкин эди-да. Бироқ буларнинг ҳамасини билиш учун манбалар жуда кам эди. Мен ҳам султон Сулаймон ва Усманийлар империяси ҳақида жуда кўп китобларни ўқидим. Ана ўша китоблардан буюк империя султонини қандай ижро этиш кераклиги ҳақидаги маълумотларни олдим.

- Султон Сулаймондан ташқари Отатуркни ҳам ижро этган эканлигингиз бизга маълум. Улардан қай бирини ижро этиш сизга мураккаблик туғдирди?

- Иккиланмасдан Сулаймон ролини ижро этиш деяр оламан. Биринчидан, тарихий маълумотлар жуда кам. Отатуркни ижро этишимда айримларгагина кўриш учун рухсат бериладиган видео файлларни кўргандим. Менда унинг қандай ҳаракатланаётганлигини, қандай гап-лашаётганлигини, сувни қандай ичиши, стол атрофида қандай ўтириши, ўзини қандай тутишини кўриш имкони бўлганди. Султон Сулаймонни эса мен фақатгина портретларини кўрганман. Отатуркда мени унга ўхшатиш учун соатлаб грим қилишарди. Сабаби бунда характерларини, қиёфасини аниқ ўхшатиш лозим эди. "Мухташам аср"да эса менга на грим қилинди, на бирор аниқ бир чекловлар қўйилди. Сабаби сериал бадий аҳамиятга эга эди. Энг мураккаблиги эса, айрим мабаларда Сулаймонни мовий кўз деб таъриф беришган бўлса, айримларида жигарранг кўз, деб айтишган эди. Шундан сўнг сериал режиссёрлари томошабин ҳақиқий одамни кўриши керак, гримм остидаги актёрни эмас, деган қарорга келишди.

- Айрим танқидчилар сериалда ҳарамга жуда катта эътибор қаратилганлигини, Султон эса ахлоқсиз одам сифатида гавдаланиб қолганлигини айтишмоқда.

- Биз суратга олаётган хар бир саҳна Сулаймон давр бошқаруви учун оддий хол бўлган. Султон ҳокимият-ни тутиб туриш учун шундай

ишлар қилганки, бугунги кунда буни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Масалан, ўз ўғлини ўлимга ҳукм қилди ва уни ўлдирилиш ҳақида иштирок этади. Бизнинг даврда шундайлар борми? Тасаввурга сиғадими шу иш? Лекин ўша даврда бундай нарсаларни қабул қилишган. Бошқа тарихий манбаларда ҳам турли шохларнинг ҳарамидея кўп қабиларни бўлганлигини, шохлар канизақларидан кўп қабиларга эга бўлганлигини биламиз. Наҳотки, бугунги кунда шундай қилиб бўлса? Бу сериалда ҳам барибир Сулаймонни ахлоқсиз деб аташ ноўрин бўларди. Сабаби Сулаймон Хуррамни учратгандан сўнг фақатгина унга эътибор қаратади. Уларнинг муҳаббатига жуда қучли эди. Аёлининг ўлимидан сўнг султон саройда олтин ва қумуш буюмлардан фойдаланишни, мусикаларни чеклайди, хурсандчиликни тақиқлайди. Ҳозир эса бутунлай динга бағишлайди. Ҳозир бу сериалнинг воқеаларини таҳлил этиб, бирор қарор чиқаришга жуда эрта. Сериал энди бошланди ваҳоланки, султон 46 йил умр кўрган.

- Танқидларга аҳамият қаратиладими? Масалан, танқидлардан сўнг ҳарамга катта эътибор қаратиш биров камайтириладими?

- Йўқ, танқидлар лойиҳани бошқаришига йўл берилмайди. Шу сериал эстида ишлаётган гуруҳнинг ўз режиси бор. Яқинда одамлар бу сериалнинг асосий айтмоқчи бўлган фикрлари нимадан иборат эканлигини, бу сериал ортида нималарни намоён этмоқчи бўлганлигимизни билиб олишарди.

- Сизнинг мухлисларингиз бу лойиҳадаги ролингизни қандай қабул қилишди?

- Илгарни мени "Минг бир кеча" сериалидаги қахрамоним номи билан Онуно деб аташарди. Энди эса тез-тез Султон деб чакиришяпти. Мен хар доим халқнинг фикрлари билан ҳиққанман, у ҳоқ мақтов, ҳоқ танқид бўлсин. Базьида "Мухташам аср" сериали ҳақида одамлардан ўзим қизиқиб сўрайман. Шу кунга қадар бирор салбий фикр



эшитмадим. Балки келажакда салбий фикрлар ҳам бўлар, бироқ мен бунга тайёрман.

- Айтишларига кўра сериал безаклари ва либосларига жуда катта маблағ сарфланган экан?

- Ҳа, бу рост. Суратга олиш ишларини бошлаш учун бутун бир майдонда ротакам қасрдек келадиган декорацияни қуришга тўғри келди. Бунга, албатта, анчагина маблағ сарф қилинди. Ахир гап бир бутун сериал ва тарихий воқеалар ҳақида кетмоқда. Бу ерда шунчаки тарихий сарой эмас, ундаги кичкинагина деталлар ҳам аҳамиятли. Ҳозирги кунда сериал бошланишида орзу қилган нарсаларимизни ҳам қуришга имкон бўляпти. Саройнинг мукамал кўриниши ва қахрамонлар либосларига жуда катта аҳамият қаратилган бўлиб, бунинг учун қўлдан келган ҳамма ишларни амалга оширганмиз. Биз ҳатто декорациядаги айрим кичик деталлар борасида ҳам шунчаки олиб кадрга жойлаштириб қўя олмасдик. Буларнинг ҳаммасини амалга ошириш учун эса кам бўлмаган миқдордаги маблағ сарфланди.

- Ҳа, либослар жуда чиройли ва жуда виқорли кўринишга эга. Аммо назаримизда уларда ҳаракатланиш биров ноқулайдек туюлади.

- Ҳа, у либосларни шунчаки кийиб юриш мумкин эмас. Уларда ҳаракатланишни ҳам анча вақт мобайнида ўрганишимизга тўғри келди. Шунинг ҳам айтиб ўтиш кераки, айрим либосларни кийганда ўз ўзидан шохона қадам ташлашга мажбур бўласиз.

- Сиз бу сериалдан ўзингизга нима олдингиз?

- Султон жуда буюк бўлган. Унинг турли соҳаларда иқтидорли бўлганлигини айтиб ўтишни истардим. У омадли

жангчи, ажойиб шоир, қаттиққўл бошқарувчи... У отларни бошқариш борасида ҳам моҳир чавандоз бўлган. Шунингдек, қиличбозликда ҳам унга тенг келадигани бўлмаган. Мен шу сериалда суратга тушиш учун қамондан ёй отишни, отда сайр қилишни, қиличбозликни ўргандим.

- Мерием Узерли (Хуррам) ҳақида нималар дея оласиз?

- Биз Хуррам ролига мос актрисани 8 ой давомида қидирганмиз. Охири бош қахрамонни ижро этадиган актрисани излашга мен ҳам шўнғиб кетдим. Биз бир неча кичкинагина деталлар ҳам аҳамиятли. Ҳозирги кунда сериал бошланишида орзу қилган нарсаларимизни ҳам қуришга имкон бўляпти. Саройнинг мукамал кўриниши ва қахрамонлар либосларига жуда катта аҳамият қаратилган бўлиб, бунинг учун қўлдан келган ҳамма ишларни амалга оширганмиз. Биз ҳатто декорациядаги айрим кичик деталлар борасида ҳам шунчаки олиб кадрга жойлаштириб қўя олмасдик. Буларнинг ҳаммасини амалга ошириш учун эса кам бўлмаган миқдордаги маблағ сарфланди.

- Тошкентга ташрифингиз сизда қандай таассуротлар қолдирди?

- Ростини айтсам, Тошкент аҳолисининг бунчалик меҳмондўстлигини тасаввур қилмагандим. "Guli" кечасида иштирок этишим, ўзимда ҳам катта таассурот қолдирди. GULI VICTORIOUS эркаклар атирлари премьерасида шахсан иштирок этганимдан эса бошим кўкка етди. Шунингдек, Goodooshaning қўшиқларини ҳам тингладим. "Фонд Форум" ташкилотчилардан миннатдорман. Хуллас, бир дунё таассуротлар билан Туркияга қайтаман.

«Алпомиш» сканворди

Рўза ойи							Пойтахти Виндхук
	Хар доим						Исломи ибодат
		Дарё, Россия Инсон аъзоси				Жавоҳир	
			Арабча белги Пайғамбар		Мухтож		
				Давлат, Африка		Эгик	
				Қадам			
			...и камон Қанор		Ювош Медицина		
		Хун				Нома Шаҳар, Аляска	
	Керамика						Очқич
Алоқа							Достон



Ibn Sino va tarbiya

Yigit bilan qiz turmush qurishibdi. Oradan to'qqiz oy, to'qqiz kun, to'qqiz soatu to'qqiz daqiqa o'tgach, farzand ko'rishibdi.

- Bolamizni qanday tarbiya, qilamiz? - debdi ona.
- Uni shunday tarbiya qilaylikki, katta bo'lganda el-yurtga foydasi tegadigan bo'lsin, - debdi ota. Xotini:
- To'g'ri aytasiz, men ham shuni o'ylab turgan edim. Yaxshisi, ustoz Ibn Sinodan so'rab ko'raylik-chi, u kishi nima derkin, - debdi.

Bu gap eriga ham ma'qul tushibdi. Er-xotin bolani ko'tarib, Ibn Sinonikiga kelishibdi. U bir kichik tor kulbada yashar, shunday bo'lsa-da, dong'i olamga ketgan ekan.

Ibn Sino ularni yaxshi kutib olibdi, nima ish bilan kelganliklarini so'rabdi.

- Bolamizning tarbiyasi haqida bizga maslahat bersangiz. Toki katta bo'lgach, el-yurtga foydasi tegadigan kishi bo'lsa? - debdi eri.

- Qachon tug'ildi? - deb so'rabdi Ibn Sino.

- Erta bilan tug'ildi, - deb erining o'rniga xotini javob beribdi.

- Ey bolalarim, - debdi Ibn Sino, - bola er-tongda tug'ilgan ekan, hozir choshgoh bo'ldi, kechikibsizlar. Bola tug'ilishi bilan uning tarbiyasi haqida qayg'urish kerak edi.

ВАТАН



Зарифа УМАРОВА

Кечалари бешик тебратиб,  
Алла айтган онамсан, Ватан.  
Қайга борсам соғинчим ошиб,  
Талпинганим - хонамсан, Ватан.  
Даладаги тўкилган доним,  
Тандирдаги ширмой оқ ноним.  
Томиримда оққанам, коним,  
Сен ўзингсан, жонимсан, Ватан.  
Ерларингда унади олтин,  
Булоқларинг қалбимдек бутун,  
Курашаман яшнашинг учун,  
Меҳр берган онамсан, Ватан

"Дийдор боғларида дийдорлашайлик" китобидан



Bor ekan-da, yo'q ekan, qadim zamonda bir kambag'al dehqon o'tgan ekan. Uning hovlisida bir tup toki bor ekan, shu tokdan olgan hosilni sotib qishin-yozin tirikchilik qilgan ekan. Bir kun dehqon betob bo'lib yotib qolibdi. Shunda u yolg'iz o'g'lini yoniga chaqirib bunday debdi:

- O'g'lim, mening kunim bitganga o'xshaydi. Senga aytadigan bir gapim bor. Shuni qulog'ingga isirg'a qilib taqib ol. Gapim shuki, toklarimizning orasiga ikki xum tilla ko'milgan. Shu tillani yilda ikki marotaba - bahor ham kuzda kovlab olib, tirikchiligingga ishlat. Zora shu bilan boyib ketsang.

Otasi shu gaplarni aytibdi-da, olamdan o'tibdi. Bu payt qish ekan, bola bahorni orziqib kutibdi. Olamni gullolaga o'rab bahor ham kelibdi. Yigit ketmonni qo'lga olib, toklarning tagini belbog' bo'yi qilib kovlab

Ota vasiyati

chiqibdi. Biroq oltin topilmabdi. Shu orada toklar kurtak chiqarib yaproq yoza boshlabdi. Yigit tilla qidirishni vaqtincha to'xtatib, tok bilan ovora bo'lib qolibdi. Shu yili tok chunonam hosil beribdi, yigit uni pullab tamom qila olmabdi. Kelasi yil ko'klamda ham yigit oltin qidirib bog'ning tit-pitini chiqarib yuboribdi. Yana oltin topilmabdi.

Biroq bu yil tok o'tgan yildagidan ham ko'p hosil beribdi. Yigit uni pullab juda ham boyib ketibdi. Lekin hamon yigitning xayoli otasi aytgan oltinda ekan. U shu to'g'rida xayol surib o'tirgan ekan, otasining qadrdon oshnasi kelib qolibdi. Yigit unga voqeani aytgan ekan, chol xoxolab kulibdi-da, keyin:

- Bolam, otang aytgan oltinlarni olibsan-ku, - debdi.

- Otaxon, bog'dan bir misqol ham oltin topganim yo'q, - debdi yigit.

- Nega yolg'on gapirasan? Bo'lmasa, bu boyliklarni qaerdan ortirding? - debdi chol.

- Mehnat qilib topdim.

- Sen mehnatni mo'l hosil olish uchun emas, oltinni topish uchun qilding. Otang rahmatli ko'p aqlii odam edi. U senga mehnatdan unadigan oltinlarni aytgan, - debdi chol.

**BRAMSON ORT COLLEGE** [www.BramsonORT.edu](http://www.BramsonORT.edu)

**QUEENS CAMPUS**  
69-30 Austin Street, Forest Hills  
866-644-2925  
Zoya Tokubova ext. 178

**BROOKLYN CAMPUS**  
8109 Bay Parkway, Brooklyn  
866-854-5014  
Tatyana Goleva ext. 232

- ACCOUNTING
- PARALEGAL
- BUSINESS & HOTEL MANAGEMENT
- BUSINESS MANAGEMENT ONLINE DEGREE
- ADMINISTRATIVE ASSISTANT
- MEDICAL ASSISTANT
- PHARMACY TECHNICIAN
- PROFESSIONAL BILLING AND CODING
- ELECTRONICS TECHNOLOGY
- HVAC & CADD
- RENEWABLE ENERGY TECHNICIAN
- COMPUTER NETWORKING
- COMPUTER PROGRAMMING
- GRAPHIC DESIGN
- GAME DESIGN & PROGRAMMING
- WEB DESIGN & WEB ANIMATION
- ENGLISH AS A SECOND LANGUAGE

GET YOUR DEGREE!

LOW TUITION!

REGISTER TODAY

**EDUCATION is The SECRET to SUCCESS!**  
Invest in YOUR FUTURE!

OPEN HOUSE EVERY WEDNESDAY

✓ ПОМОГАЕМ В ТРУДОУСТРОЙСТВЕ ✓ КЛАССЫ ДИСТАНЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ  
✓ ОКАЗЫВАЕМ ФИНАНСОВУЮ ПОМОЩЬ ✓ ДНЕВНЫЕ, ВЕЧЕРНИЕ И УТРЕННИЕ КЛАССЫ

The Bramson ORT Programs Gainful Employment Disclosures are posted on [www.BramsonORT.edu](http://www.BramsonORT.edu)

Руслан Чагаевнинг навбатдаги жанги 1 декабрь куни бўлиб ўтади



WBA версияси бўйича ўта оғир вазнда собиқ жаҳон чемпиони Руслан Чагаев 1 декабрь куни Германиянинг Дюссельдорф шаҳрида жорий йилдаги тўртинчи мусобақасини ўтказди.

Шу куни у хозиргача мағлубият нималигини билмай келаётган кубалик боксёр Майк Пересага қарши рингга чиқади. У шу пайтга қадар проффесионал боксда 18 та жанг ўтказиб, уларнинг барчасини тўлиқ ўз фойдасига ҳал қилган.

Шу йилнинг июль ҳолатига Руслан энг оғир вазн тоифасида WBA рейтингда еттинчи ўринни эгалламоқда. У қатор жанглари ўтказиш орқали ўз рейтингини яхшилаб, келаси йил куз ойларида WBA йўналишида жаҳон чемпионлиги камари учун даъвогарлик қилмоқчи.

**PANORAMA TV**

**140 Каналов Русского ТВ для всей семьи!**